Россия империяси Туркистонда замонавий тиббий тизимни жорий этишда анъанавий тиб илми ҳамда унинг жамиятда тутган ўрнини жиҳатларни инобатга олиши муҳим эди. Чунки янги тизимни тўлақонли амалёитга жорийлашда аввалги тиббий қарашларни имконияти ва муаммоларини билиш аҳамият касб этган. Туркистон генерал губернаторлиги тиббий тизимни ўзгартириш сиёсатини бошлаган 1867 йилдан то 1917 йилгача бўлган даврни кўрадиган бўлсак, аввалги тизимга нисбатан пинҳона ва ошкора муносабатлар асосида масалани икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Маъмуриятнинг тиббий тизимга бўлган муносабати

Ҳукумат маҳаллий анъана, урф-одат ва аҳолининг миллий ўзликни англаши ҳамда ўзаро ижтимоий муносабатларни ўрганишга ҳаракат қилди. Ўлка аҳолисини бошқариш учун уларни ички анаъанавий тизимини, маънавий дунёқарашини тўла англашга интилди. Бошқа соҳалар каби тиббий тизимдан ҳам мустамлакани бошқариш қуроли сифатида фойдаланар экан, аввалги тизимга буткул бефарқ бўлиш ва янгисини кўр-кўрона тарғиб қилиш ижобий оқибатларга олиб келмаслигини генерал губернаторлик яхши хис қилган. Россия империяси олиб борган сиёсат шундай эдики, ҳудудлардаги бирор тизимни ёки фаолиятни йўқ қилишдан олдин уни аслида нимадан иборат эканлигини билишга уринган[8]. Шу ўринда айтиш жоизки, Туркистондаги тиббий тизим ҳам аввал муфассал ўрганилди, керакли жойлари ўзлаштирилди ва босқичма-босқич тугатилди.

Туркистон генерал губернаторлигида бирор тизим ўрганилиб, олинган натижалар таҳлил қилинган ва кейинги сиёсий жараёнлар ҳамда ислоҳатлар шу асос устига қурилиши керак эди. Тиббиёт ҳам бундан ҳоли эмасди. Барча тиббий муассаса ходимлари ва тизим ходимлари маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимининг ижобий ва салбий томонлари ҳамда уни аҳоли орасида тутган ўрини билишга қизиққан. Шунингдек, табибларининг фаолияти, доришунослик анъаналари ва турли маҳаллий касалликларни даволаш усулларини кузатган. Рус шифокорларининг ўзлари табиблар томонидан олиб борилган муолажа жараёнларини кўришга қизиққан ва мувафаққиятли муолажаларни ўз асарларида тан олиб қайд этишган. Бу кузатувлар ва иштироклардан кўзланган мақсад ўлкага хос юқумли касалликларнинг характери ва уни даволашнинг самарали усулларини билишга бўлган қизиқиш эди. Ҳукумат XX асрнинг бошларида ҳам турли маҳаллий даволаш усулларининг самарадорлигини ўрганишда давом этди. Фақат эътиборга молик жиҳати шунда эдики, бу ўзлаштирилган усуллар шифокорларнинг амалиётида ижобий натижа берсада илмий тиббиёт сифатида қайд этилмаган[9]. Бу билимларни ўзларини замонавий тиббиёт назарияларига киритмади. Чунки, бу қараш уларнинг асл мақсади-европа цивилизацияси руслар орқалигина Туркистонга келади ва бу ўлка қарашлари ўрта аср ҳолича қолган деган фикрларга зид эди.

[8] Суворов В. Медицинская помощь как фактор культурного и политического влияния в оценках отечественной публицистики рубежа XIX – начала XX века // Бюллетень медицинских Интернет-конференций. – 2017. – № 7 (3). – С. 646.

[9] Cassandra Marie Cavanaugh. Backwardness and biology: medicine and power in Russian and Soviet Central Asia. 1868-1934: Dissertation for Phd degree. – New York: Columbia University, 2001. – P. 71.

Ҳукумат янги усулини замонавийлик ва нажот йўли сифатида тарғиб қилсада, шифокорлар маҳаллий даволаш усулларини ўрганган ва ундан амалиётда кенг фойдаланган. Шунингдек, маҳаллий тизимни айрим касалликларни даволашда ўзларига қараганда ижобий жиҳатлари кўп эканлигин қайд этишга мажбур бўлишган. Ўлкани тафтиш қилган Ф. Гирс "маҳаллий тиббиёт гвиния қурти, мохов, подагра каби касалликларга қарши курашда ҳамда риштани танадан олиб ташлаш каби ўзига хос жарроҳлик амалиётини ўтказишда муваффақиятларга эришган"[10] деб қайд этган эди. Ёки статистик ҳисоботларда ҳам ўлканинг тиббий ҳолати ва ўзига хосликлари борасида маълумотлар акс этган бўлиб, асосий эътибор юқумли касаликлар ва уларни даволаш йўллари ҳақида маълумотлар кўпроқ акс этган. Жумладан, анъанавий тиббий тизим ҳудудга хос бўлган юқумли касалликларга қарши курашишда ишлатиладиган хинин воситасини мунтазам қўллаб келингани[11] қайд этилган. Лекин, аҳоли орасида учрайдиган бошқа касалликлар ҳам эътибордан четта қолмаган, масалан, туркситонликлар овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ касалликларни ҳам даволай олиши қайд этилган ва бунда асал ёрдамида дори тайёрланиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Яъни, маҳаллий тизим аслида кейинчалик ғоявий курашларда қайд этилганидек ўрта аср қарашлари билан қотиб қолмаган ва ўз ҳудудида пайдо бўлаётган касалликларга қарши кураша олдадиган билим ва тажрибага эга эди. Ҳарбийлар ва шифокорлар Туркистоннинг турли ҳудудларига борганда кўпинча маҳаллий табиблардан ва аҳолидан даволаш ҳамда дори тайёрлаш борасида билимларни ўзлаштиришга харкат қилишган. Масалан, шундай ўрганишлар натижасида XIX аср охири ва XX аср бошида европа тиббиётида янгилик сифатида қайд этилган органотерапия усули туркистонликларга яхши маълумлиги ва бу анча қадимий усул эканлиги Туркистон тиббиёт жамияти маърузаларида тилга олинган[12]. Аксарият Шарқ табобатига оид асарларда хайвонларнинг аъзолари ва улардан тайёрланган дориворлар инсонни ўша аъзосига даво эканлиги қайд этилган ва дори тайёрлаш усуллари келтирилган[13].

[10] Гирс Ф. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. – СПб. , 1883. – С. 163.
[11] Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Под. ред. Н. Маев. Вып. II. – Спб:, 1873. – 478 стр.
[12] Лунин Б. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (конец XIX– начало XX в.). – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962. – С. 223-232.
[13] *Қаранг*: Ас-Саъиду-с-Самарқандий. Жонзотларнинг тиббий хосиятлари / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний, Н. Йўлдошева. – Тошкент: Фан, 1994. 72-бет.

Ҳукумат ва шифокорлар аслида эски тиббий тизимни ўрнига мукаммал янги тизимни олиб кириш ва бу орқали аҳолининг империя манфаатларига ғоявий бўйсундиришни мақсад қилган бўлсада, лекин маҳаллий тизимнинг ўзларида йўқ бўлган ва фойдали бўлган жиҳатларини тўла ўзлаштирди. Шу сабабли тиббий тизим ҳақида гап кетганда унинг илмий жиҳатдан асосланмагани ёки умуман тизим даражасида эмаслиги ҳақида гапирилмасада, унинг эски ҳолатда қолгани ва санитар ҳолатларга нисбатан тиббиий тизим қарийб ишламагани каби жиҳатларга урғу берилади. Маҳаллий тизимнинг ижобий томонлари маълум ракурсларда тилга олинган бўлсада, яхлит тизимнинг ўзи ҳақида тўла тадқиқ қилиниб, асосланган асарлар яратилмаган ва бунга хукумат эҳтиёж ҳам сезмасди. Аввалги тизимни камчиликлари сифатида– санитар ва гигиеник ҳолатларнинг талаб даражасида эмаслиги ҳамда давлатнинг тиббий ислоҳатлар борасида нўноқлиги бўйича айблаган мустамлакачи ҳукумат, ўзининг фаолияти даврида юзага келган эпидемиялар пайтида ўзлари ҳам аввалги тизимдан кўпам катта ўзгаришлар қилмагани кўриниб қолди. Россия империяси Туркистонга янги тизимни жорий қилгач ҳам олдингидек юқумли касалликлар ва эпидемиялар тарқалиши тўхтамади. Жумладан Туркистонда 1972-1915 йиллар мобайнида 8 та эпидемия кузатилган[14]. Эпидемияларнинг ҳудудда пайдо бўлиши ва тарқалиши давлатнинг тиббий сиёсатига ва бу борада олиб бораётган фаолиятига боғлиқ эканлигини империя ҳукумати яхши билган. Чунки, бу даврда Европанинг ривожланган давлатларида эпидемиялар сабаби ва унга қарши курашишнинг янги усуллари амалиётга қўлланилаётган эди. Мустамлакачи ҳукумат Туркистонда бир ёқлама тиббий сиёсат юритгани сабаб бу тиббий инқирозлар юзага келаётганини билсада, айбни маҳаллий аҳолининг яшаш тарзидан қидирган. Ўлканиниг руслар яшайдиган жойида карантин ва тиббий хизмат йўлга қўйилган эди. Бу касаллик кўпроқ туркистонликлар орасида тарқалди. Бунга сабаб қилиб, аҳолининг яшаш шароити айбланди. Ҳукумат ўзи олиб бораётган тизимнинг яққол кўзга ташланган хатолари ва камчиликларини ёпиш учун аввалги тизимнинг оқибатларини қалқон қилди. Лекин, Россия империяси босқинидан аввал Туркистондаги ариқларнинг тозалиги ва оқар сувларнинг поклиги юқори амалдорлар томонидан қаттиқ назорат қилинган. Шу сабабли сувларни ифлосланишига йўл қўйилмаган[15]. Мустамлака тизими жорий

[14] Магзумов Б. Материалы к истории холерный эпидемии в Туркестанском крае в 1872-1921 гг. // Медицинский журнал Узбекистана. – 1967. – № 11. – С. 30-34.
[15] К. Обычаи у туземцев пользованием водой из арыков // Туркестанские ведомости. – 1909. – № 105.

этилгандан сўнг бу тизимни назорат қилиш ишлари сусайиш кузатилган. Масаланинг иккинчи томони шунда эдики, ўлкани санитар ва тозалик ҳолатини қолоқликда айблаган, касалликларни сабабчиси бўлган канализация тизими ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган шифокорлар, ўзлари наъмуна сифатида курсатадиган империянинг марказий районларида ҳам санитария ва гигиена мақтанарли даражада эмасди. Жумладан, 1907-1910 йилларда Киев, Харков, Ростов ва Санкт-Петербург шаҳарларини ўрганиш натижасида, тиф ва вабо эпидемияларини кенг тарқалишининг сабабларидан бири сув таъминотининг канализация билан ифлосланиши эканлиги маълум бўлди[16]. Яъни руслар Туркистон аҳолисининг сув ҳамда яшаш тарзидаги турли ифлосликлар оқибатида ўлкада катта муаммолар келиб чиққан деб, ўзларни ўша ўрта аср маданиятини янгича маданиятга кўтарадиган ислоҳатчи сифатида қанчалик кўрсатишга уринмасин, аслида бу тизим уларда ҳам тизимли йўлга қўйилмаган эди.

Маҳаллий ва замонавий тиббий тизим Туркистонда моҳиятан бир-бирига қарама-қарши эди. Айтиш мумкинки ушбу ҳудудда икки цивилизациянинг учрашиши дастлабки босқичи ўзаро эътиборсизлик билан характерли[17]. Аммо келажакда рус шифокорлари, анъанавий тиббий тизимга нисбатан танқидий ёндашувларга қарамай, унинг ютуқларини тан олишга мажбур бўлишди.

2. Маъмуриятнинг табиблар ва уларнинг фаолиятига бўлган муносабати.

Россия империясининг Туркистонда фаолият юритган табибларга бўлган муносабатини 1917 йилги инқилобдан кейинги даврга таққосласак, бироз юмшоқроқ харакетрга эга. Бунинг бир неча сабаблари бор эди. Аслида Туркистонда фаолият юритган шифокорлар табибларни ўзларига энг ашаддий рақобатчи ва замонавий тиббиётни тарғиб қилиш ва жорийлашда энг кўп тўғаноқ бўлган шахслар сифатида билишган. Уларга доим пинҳона ва муттасил қарши кураш кетади. Ўлкада ишлаётган шифокорлар ўзларининг кам сонли эканлиги ҳамда табиблар таъқиққа учраса барча аҳолини тиббий эҳтиёжларини на ўзлари на янги тизимнинг моддий-техник негизи кўтаролмаслигини билишарди. Хукумат ҳам шу сабабли табибларнинг фаолиятига жиддий қаршилик қилмаган. Иккинчидан янги тизим жарроҳлик, юқумли касалликларни даволаш каби тор доирадаги хизматларни тавсия қилгани

[16] https://dalmate. ru/muzej/item/315-zdravookhranenie-v-rossijskoj-imperii. html
[17] Зияева Д. Медицина и здравоохранение в Средней Азии: традиции, модернизация и трансформация (конец XIX - начало XX в.) // Материалы международной конференции «Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации». – Ташкент, 2009. – 157-стр.

сабабли аксарият мунтазам учрайдиган касалликларни даволаш табиблар зиммасига қолади. Бошқача айтганда Россия империяси аввалги тизимдан кўра мукаммал ва цивилизациялашган тизимни олиб кириб, ўзоқ вақт ҳақиқий тиббий хизматдан четда қолган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини йўлга қўйганини даъво қилсада, ўзи танқид қилган тизим вакили (*табиб*) елкасига ярим юкни ортишдан қочмади. Иккинчи томондан қараганда ўлкага хос касалликларни даволаш ҳамда айрим жарроҳлик амалиётини қўллашда табибларнинг имконияти катта эди. Ўз вақтида хукумат табибларнинг бу ютуқларини тан олишга мажбур бўлишган. Жумладан, 1892 йилда ўлкада вабо касали тарқалиб, аҳолига катта талофат етказган. Мана шунақа фавқулодда ҳолатларда табибларнинг фаолияти шифокорларнинг иши билан арашиб кетди. Айтиш мумкинки, мана шу каби эпидемиялар ҳукумат ўрнатган чегараларни бузилишига ва қоидаларни ишламаслигига олиб келди. Бу жараёнларда табиблар билан шифокорларнинг қисқа вақт бўлсада уйғун ҳаракати пайдо бўлди. Жумладан, ўша йили Наманган уезди раҳбари табиб Мирза Хасан Бобохоновнинг хизматларини юқори баҳолаб, махсус тақдирлаш маросимида унинг малакали дезинфектор ва ваксинаторлар билан биргаликда қўшган ҳиссасини эътироф этган[18]. А. Федченко томонидан рус шифокорлари учун давоси номаълум бўлган ришта касалини даволашда табибларнинг маҳорат билан даволашини қайд этган бўлса[19], А. Шварц рус шифокорлари синиш ва чиқишни даволашда маҳаллий аҳолининг ишончини қозона олмаганини қайд этган[20]. Ўлкани тафтиш қилган Ф. Гирс Туркистонда фаолият юритаётган табибларни даража жиҳатдан Россия империясининг бошқа ҳудудларидаги табибларга таққослаб бўлмайди. Туркистонлик табиблар Ўрта Осиёда араблар давридан мавжуд бўлган тиббий анъаналарни ўзида сақлаб қолмоқда. Табиблар жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган билим ва маълумотлар эга эканлигини ҳам қайд этган[21]. Шунингдек, анъанавий тизимни ўрганиш натижасида, “аҳоли замонавий тиббий ютуқлар кириб келганига қарамай, табиблар ва анъанавий тизимдан фойдаланиш фоизи баландлигича қолгани, бу тизим ўрта асрларда шаклланган бўлсада, унга тажрибали табиблар томонидан янги, замонавий

[18] МА. И-19-фонд, 1-хужжат, 4526-йиғмажилд, 28-варақ.
[19] Федченко А. О паразитах человека, водашчих в Туркестанском крае // Туркестанские ведомости. 1872 год, № 1.
[20] Шадманова С. Туркистонда замонавий тиббиётнинг ибтидоси // www. uzanalytics. com/tarix/7171. 07. 04. 20.
[21] Гирс Ф. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. – СПб. , 1883. – С . 163.

усулларни ҳам қўшиб борилиши кузатилади”[22], деган хулоса берилган. Ёки ҳукумат томонидан чечакка қарши эмлаш амалиётини олиб кирганлиги даъво қилинсада, аслида бу каби тадбирлар Туркистон ўлкасида илгарироқ қўлланилган. Жумладан, Қўқон хонлиги даврида ҳам чечакка қарши эмловчилар бўлиб, уларни “чечакчи” деб аташган[23]. Шифокор В. Кушелевский ушбу касалликка қарши маҳаллий аҳолининг ўз эмлаш услуби мавжуд бўлгани ҳақида қайд этган. Бу эмлаш шакли Фарғона водийсидан ташқари Бухоро амирлиги, қозоқ қабилалари ўртасида ҳам кенг тарқалган[24].

Афсуски табиблар фаолиятига ижобий муносабат узоқ давом этмади. Ўлкада шифокорларнинг сони кўпайиши билан улар табиблар фаолиятини чеклаш ёки тугатиш каби масалаларни бот-бот тилга ола бошлашиди. Аслида илк даврда шифокорлар кам бўлгани учун табибларга пинҳона қаршилик қилган ва XX асрнинг бошларида бу қаршилик кучайиб бораверди. Аслини олганда ҳукумат ҳам, рус шифокорлари ўлка тиббий тизимини айрим жиҳатларинигина ошкора тан олиш билан чекланган. Лекин уни малакали амалга оширган табибларга нисбатан доимо хушёр муносабатда бўлди. Чунки бу усулни ўзлари ўзлаштирса фойдаланиш мумкин, яъни илм улар билан курашмайди, улар билан фақат табиблар рақобат қилади. Шифокорлар табибларнинг жамиятда тутган мавқейи ва таъсир даражасидан чўчишди. Шундан сўнг табибларни эмпирик ва мистик турларига ҳам бир кўз билан қаради ва бирваракайига айблашни бошлади[25]. Бироз вақт ўтгандан сўнг ўлкадаги барча тиббий тизим вакиллари ҳукуматдан табибларни қонуний йўл билан даволаш ишларидан четлаштиришни ҳамда уларга қарши жазо чораларини кўришни талаб қилишди[26]. Умумий қилиб айтганда табибларга бўлган салбий муносабат икки хил кўринишда кўзга ташланади.

Биринчи навбатда табибларни иш усули ва фаолияти замонавий тиббий тизимни тўла йўлга қўйишда ҳамда аҳолини ишончига киришда катта тўсиқ бўлиб қолди. Бемор ҳар сафар табибга мурожат қилганда “ўз саломатлигини тузатиб бўлмас хавфга қўяди”, деб ниқобланган тарғибот тагида аслида

[22] М. Г. Сартовская медицина // Туркестанские ведомости. 1912 год, № 208.
[23] Патхиддинов Р. Фарғона вилоятида чечак касаллиги // Ўтмишга назар. – 2022. – № 1. – Б. 91
[24] Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. 3. – Новый Маргелан: Тип. Фер. Обл. Правления, 1891. – С 168
[25] Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской долины. –Том 3. – Новый Маргилан: Типография Ферганского областного правления, 1891. – С. 236-279. ; Павлоский Э. Очерки Самаркандское области // Исторические вестник. Том 126. – 1911. – С. 1124-1126; Колосова Г. О народномъ врачеваны у сартов Туркестана. – СПб. , 1903. – С. 63.
[26] Щварц А. Медицинская помощ туземному населении гор. Ташкента // Врач. – 1909. – № 8 (2). – С. 923-928.

шифокорнинг ўз ғоясини сингдириш учун қилган меҳнатини чиппакка чиқариш ётарди. Ўша давр манбасида, табибларни маҳаллий омманинг кенг-қўллаб-қувватлови оқибатида тўсиқлар сақланиб қолаётгани ва бу ҳолатда жамиятдан шифокорларни сиқиб чиқариш хавфи юзага келиши таъкидланган. Ёки шифокор В. Кушелевский, Фарғона водийси мисолида, жамият табибларнинг душманона харакатларига қарамай руслар олиб кирган тиббий хизматга ишонч билан қараётган бўлсада, барибир хакимлар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Чунки, бизни хизматимиздан фойдаланиш кўпчилик ўлка аҳолиси учун имконсизлигича қолмоқда[27], деб ёзган. Тиббий муассасаларнинг бир-биридан узоқда жойлашгани, шифокорларнинг камлиги, тиббий ёрдам ҳам шошилинч, юзаки эканлиги[28] ўлкада табиблар фаолиятини табиий йўсинда сақланиб қолишларига олиб келди. Бундан кўринадики, аҳолининг табибларга бўлган мурожатининг давом этиши аслида ҳукуматнинг тиббий сиёсатда қилган ҳаракатлари етарли бўлмаганини кўрсатади. Бошқача айтганда Туркистон генерал губернаторлиги ташкил қилинганидан то 1917 йилга қадар бўлган даврда табиблар фаолиятининг сақланиши ҳамда ҳукумат қанчалик ҳоҳласада соҳадаги турли етишмовчиликлар туфайли уларга қарши курашолмаслик позициясида қолиши рус тиббиётининг мувафаққиятсизлик белгиси эди.

Иккинчиси табиблар фаолияти сохта ва талаб даржасида эмас дейилди. Улар беморларни даволашда давом этса охир оқибатда замонавий шифокорларнинг фаолиятига ҳам қаттиқ зарба бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Улар беморларни қабул қилган вақтида мунтазам замонавий тиббиёт ютуқларига қарши касалларни онгини заҳарлаган деган қарашлар пайдо бўлди. Охир оқибатда табиблар янги даво усулларига қаршилик қилиш ҳамда айрим юқумли касалликларни тарқалишига бош айбдор сифатида тавсирланган. Айниқса чечакка қарши эмлаш амалиётини барбод бўлишида табибларни ғоялари асос бўлгани қайд этилган. Лекин, масаланинг иккинчи томони шунда эдики эмлаш учун келган ходимлар (ваксиначилар) ўзлари олиб келган ваксина ҳақиқатан ҳам касалликнинг олдини олишига кафолат бера олмайди, чунки у кўпинча нотўғри сақланиши оқибатида ва иссиқда қолиши сабабли самарасиз бўлиб қоларди. Жумладан, эмлашнинг нотўғри амалга оширилиш натижасида

[27] Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской долины. –Том 3. – Новый Маргилан: Типография Ферганского областного правления, 1891. – С. 282

[28] Масалан, Тошкентдаги эркаклар учун очилган амбулаторияда ташриф буюрувчиларнинг кўплиги ҳамда мутахассисларнинг чекланганлиги оқибатида шифокор ҳаммани кўздан кечириш учун ҳар бир беморга ўртача 1,5 минут вақт сарфлаган. Бу вақт аслида тиббий текширувни ўзига ҳам етмасди.

1883 йили Қўқонда бир неча болаларни касал қилди ва касалликнинг ривожланишини тўлиқ бартараф этолмади. Табибларни илми, шахсияти, фаолият тури ҳамда имкониятини шубҳа остига олиниши ҳамда, уларни фаолиятини таъқиқлашдан кўзланган мақсад шифокорлар ўзларига рақобатчи бўлганларни имкониятини чеклашни кўзлашган эди. Чунки, табиблар фаолияти бор экан, улар ўз ғоялари ва қарашларини тўла сингдиришга муваффақ бўлолмасди. Шу сабабли шифокорлар маҳаллий тиббий тизимга нисбатан анча бетараф муносабатда бўлсада, табиблар фаолиятига жиддий ёндошган. Табиблар фаолиятини кескин камайтириш ва ҳатто қисқа муддатда йўқ қилишнинг ягона усули ўлкани тўла тиббий хизмат ва кадрлар билан қамраб олиш эди. Ўшанда табиблар билан ҳам ёки тиббий тизим билан ҳам ҳисоблашиб ўтиришга ҳожат қолмасди.

Рус шифокорларнинг ўзлари ҳам вақти келганда маҳаллий амалдорлар, табибларнинг обрўларидан, уларнинг халқ орасида тутган мавқеидан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Тошкентнинг Себзор даҳаси оқсоқли аҳоли орасида соғлом хаёт кечириш билан боғлиқ тарғиботни амалга оширишда бош бўлган ва 1877 йилда оммавий эмлаш ишларини ташкил этиш вазифасини бажарган[29]. Яъни, ўлкани бошқариш тўғрисидаги Низомга асосан бу ишларни ташкил қилиши лозим бўлган ҳудуд шифокори зиммасидаги вазифаларни маҳаллий вакилларнинг обрўсидан фойдаланган ҳолда ташкил қилишга ҳаракат бўлган. Ёки, Самарқанднинг Анзоб (*Онзоб*) қишлоғида юқумли касаллик тарқалгач, ҳукумат марказдан шифокор Ягодинскийни чақриган. Ушбу шифокор халқ орасида рус шифокорларининг тарғиботидан кўра, одамлар кўпроқ бораётган ва шифокор қадами етмаган ҳудудларда ҳам фаолияти йўлга қўйилиган табиблар орқали тарғибот ишларини олиб бориш самаралироқ эканлигини англаган ҳолда, Самарқанд ва Бухоро мусулмон уламолари, табиблар билан тиб қоидалари, касалликдан сақланиш чоралари ҳақида суҳбатлашган[30].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки хукумат илк даврлардан Туркистоннинг барча соҳалари каби маҳаллий тиббий тизимини ўрагниш йўлидан борди. Қўлга киритилган натижалардан ўзларига керак бўлган ва келажакда асқотиши мумкин бўлганларни тўла ўзлаштирди ҳам амалиётдда ҳам қўллади. Чунки,

[29] Тангиров О. XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” қисми маъмурий бошқаруви ва ижтимоий ҳолати. – Тошкент: Renessans press, 2022. – Б. 102.
[30] Доктор Ягодинскийнинг Самарқанд ва Бухоро мусулмон уламолари билан қилган суҳбатлари // Туркистон вилояти газети. 1899 йил 27 март, 12-сон.

маҳаллий тиббий тизим ҳам асрлар мобайнидан эмпирик тажрибалар асосида синовдан ўтган ҳамда Туркистонга хос бўлган касалликларни даволаш усулларини ўзида мужассамлаштирган ягона вариант эди. Шу сабабли ўлканинг доривор хом-ашёлар тизими, аҳолининг тиббий қарашлари ҳамда ҳудудга хос бўлган барча мавсумий ва доимий касалликлар алоҳида тадқиқ қилинган. Табибларга келсак, уларнинг имкониятлари, ташхис, қўйиш, даволаш ва дори тайёрлашга оид барча тажрибалари рус шифокорлари томонидан атрофлича ўрганилган. Бунинг натижасида шу нарса аниқ бўлдики улар даволашдан ҳам кўра аҳолига маъанавий таъсир ўтказиш кучи билан ҳам хукумат учун хавфлилигича қолди. Ҳукумат табиблар ва уларнинг фаолиятини қанчалик таъқиқлашни ҳоҳламасин, аввало ўзлари таклиф қилаётган тизимнинг имконияти чеклангани ҳамда асосан туркистонликларнинг эҳтиёжларини қондиролмаслигини яхши билган. Шу ҳолатда табиблар фаолиятини тўхтатадиган бўлса бу ҳам бошқа низоларга аралашиб сиёсийлашиб кетишидан хавфсираган. Буни англаган хукумат бошқача йўл тутди, яъники замонавий тизимга монопол ҳуқуқларни берди ва табаблар фаолиятига эса ҳудди улар жамиятда йўқдек муносабатда бўлди.

Демак, Туркистон генерал губернаторлиги ҳам тиббиётни назорат қилувчи органлар маҳаллий тиббий тизимга доимо диққат-эътибор билан қараган. Олдиган қўйган мақсадлари туфайли яратилган асарлар, хисоботлар ва бошқа манбаларда маҳаллий тизимнинг қолоқлиги ҳамда ўз қобиғида ўралиб қолагни танқид қилинган бўлсад, аслини олганда бу каби муфассал маълумот учун ҳам тизимни ичкаридан чуқур билишлик талаб қилинади.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

SPORTNING VOLEYBOL TURI BILAN SHUG‘ULLANUVCHI O’QUVCHILARNING TEXNIK TAKTIK HARAKATLARINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

Zafarjon G‘ulamovich Mavlonov
Namangan muhandislik-qurilish instituti akademik litseyi o’qituvchisi
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685048

Annotatsiya: Ushbu maqolada voleybol sport turi bilan shug‘ullanuvchi o’quvchilarni texnik, taktik mahoratlarini oshirish, zamonaviy metodlarni qo’llash orqali o’quv mashg‘ulot jarayonini samarali tashkil etish haqida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so’zlar: voleybol sport turi, o’quvchi, voleybolchi, texnika, mahorat, metod, mashg‘ulot jarayoni.

Annotation: This article provides information on how to improve the technical and tactical skills of volleyball students in secondary schools, how to effectively organize the training process by using modern methods.

Keywords: volleyball, pupil, volleyball player, technique, skill, tactical,method, training.

O’zbekiston o’z mustaqilligiga erishgach barcha sohalar kabi jismoniy tarbiya va sport ham tamomila yangicha maqom yo’nalishida shakllanib, yuksak cho’qqi sari qanot yozmoqda. Hamdo’stlik davlatlari ichida mamlakatimizda birinchi bo’lib, “Jismoniy tarbiya va sport to’g`risida” Qonun (1992, 2000, 2015) qabul qilindi. Fudbol, kurash, tennis va boshqa sport turlarini rivojlantirish haqida Prezident Farmonlari va Hukumat Qarorlari qabul qilindi. mamlakatimizda olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy islohotlarni izchil davom ettirishda yoshlarga e’tiborni yanada kuchaytirish, yosh avlodni axborot texnologiyalaridan to‘g‘ri foydalanish ko‘nikmasini shakllantirish, yoshlar o‘rtasida kitobxonlikni targ‘ib qilish, ularni madaniyat, san’at, ayniqsa jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish masalalariga alohida e’tibor qaratilgani ham bejiz emas.

Mamlakatimiz aholisining 30 foizi 14 dan 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlardir. Ularning ta’lim olishi, kasb-hunar egallashi uchun zamonaviy sharoit va imkoniyatlar yaratilgan. Shu bilan birga, yoshlarning bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazishni tashkil etish dolzarb masala hisoblanadi. Yoshlar qanchalik ma’naviy barkamol bo‘lsa, turli yot illatlarga qarshi immuniteti ham shuncha kuchli bo‘ladi.

Prezident Shavkat Mirziyoyev ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surdilar. Shu tashabbuslardan ikkinchisi yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan. Yoshlarimizga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, yoshlarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yurtimiz yoshlari o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini oshirish masalalariga urg'u berildi.

Ushbu konsteptual xujjatlar jismoniy tarbiya va sport sohasida ulkan islohotlar, beqiyos bunyodkorlik ishlarini amalga oshirish imkoniyatini yaratdi. So'nggi yillar ichida yurtimiz xududlarida, hatto uzoq qishloq va tumanlarda ham ko'pdan-ko'p zamonaviy sport inshootlari barpo etildi va ayni kunda ular farzandlarimiz, halqimiz xizmatida faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Kundan- kunga jismoniy tarbiya va sport, jumladan milliy sport turlari va milliy harakatli o'yinlar milliy qadriyatlar sifatida xalqimiz, ayniqsa o'quvchi- yoshlarning kundalik hayotiy ehtiyojiga aylanib bormoqda.

Ta'kidlash joizki, jismoniy tarbiya va ommaviy sport turlarini rivojlantirish bilan bir qatorda, "katta" sport mavqeyini ko'tarishga ham ustuvor ahamiyat qaratilmoqda. Yildan-yilga respublikamizda xalqaro va jahon miqyosidagi nufuzli musobaqalarni o'tkazish an'anaviy tadbirlar tarkibidan joy olmoqda. O'zbek sportchilari Osiyo, jahon va olimpiya musobaqalarida yuksak natijalarga erishib, yurtimiz shuhratini jahon hamjamiyati oldida tarannum etib kelmoqda.

Ushbu natijalarni mustahkamlash va ularni yuksak darajaga ko'tarish maqsadida 2000-yillardan boshlab, mamlakatimizda "kichik Olimpiada" maqomida o'tkaziluvchi "Umid nihollari", "Barkamol avlod" va "Universiada" kabi ko'p bosqichli ommaviy sport musobaqalari joriy etildi va borgan sari nufuzli mavqega ega bo'lib, iste'dodli sportchilarni xalqaro va Olimpiya musobaqalariga olib chiqishda "ko'prik" vazifasini o'tab kelmoqda. Bu borada barcha ustivor sport turlari kabi qayd etilgan ommaviy sport musobaqalari va Olimpiya o'yinlari dasturidan joy olgan, yer kurrasida eng ommaviy deb tanilgan voleybol sport turiga ham alohida e'tibor qaratilmoqda.

Voleybol o'zining hammabobligi, go'zal o'yin mazmuni, kattayu-kichik diqqatini o'ziga rom qiluvchi hujum va himoya kombinastiyalari bilan yurtimiz shahar-qishloqlarida, mahallayu- maskanlarda, to'y va bayramlarda baxs-raqobat,

sihat-salomatlik jismoniy va ruhiy barkamollik vositasi sifatida xizmat qilib kelmoqda.

Voleybol – o'quv fani sifatida barcha ta'lim muassasalari o'quv rejasiga kiritilgan, darsdan va ishdan tashqari vaqtlarda faoliyat ko'rsatadigan sport to'garaklari, BO'SMlar, sport klublarida maxsus rejalashtiruv xujjatlariga asoslangan o'quv-trenirovka jarayoniga joriy etilgan. Shu bilan bir qatorda ayni kunda voleybol bo'yicha iste'dodli sport zahiralari va yuqori malakali, raqobatbardosh sportchilarni tayyorlash hamda ommaviy voleybol geografiyasini yanada kengaytirish, mashg`ulot va musobaqalarni ilmiy asosda tashkil qilish zaruriyati yuksak kasbiy-pedagogik salohiyatga ega mutaxassis-kadrlar yetishtirish muhimligiga e'tibor qaratadi.

Jismoniy tarbiya va sport borgan sari xalqimizning kundalik ehtiyojiga aylanib bormoqda. Aynan uchun ham qabul qilingan qarorlarda raqobatbardosh sportchilar tayyorlash uchun jismoniy tarbiya tizimi va sport mashg'ulotlarini ilmiy asosda tashkil qilish tadbiqlarini amalga oshirish zarurligi ustuvor vazifalar sifatida belgilangan.

So'nggi yillarda bu borada talaygina ijobiy ishlar amalga oshirildi. Lekin, kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, hali aksariyat joylarda, ayniqsa qishloq hududlarida faoliyat ko'rsatayotgan sport to'garaklarida mashg'ulotlar muntazamligi, ularni sifati va samaradorligi, mashqlar yuklamalarini shug'ullanuvchi bolalar imkoniyatlariga moslab rejalashtirish kabi masalalarga yetarli ahamiyat qaratilmaydi. Tanlangan sport turlariga xos texnik-taktik malakalarga o'rgatish faqat bir xil standart mazmunli mashqlar asosida amalga oshirildi. Bunday stereotip (bir xil turdagi texnik mashqlar) mashqlar, ayniqsa yosh sportchilar tayyorlash bosqichida sport texnikasini o'zlashtirishga imkon yaratmaydi.

Ko'pgina sport mashg'ulotlari mazmunini o'rganish shuni ko'rsatdiki, shug'ullanishni endi boshlagan bolalarda ham mashg'ulotlar yuqorida qayd etilgan yondashuv tartibida olib boriladi. Ma'lumki, voleybol o'z mazmuni jihatidan so'nggi yillarda keskin o'zgarishlar yo'lini bosib o'tdi. Ayni kunda aksariyat o'yin usullari (to'p kiritish, to'p uzatish, zarba berish, to'siq qo'yish) sakrab ijro etiladi.

Pedagogik va fiziologik qonuniyatlarga binoan o'yin usullari texnikasi va taktikasiga o'rgatish shu usullar musobaqa davomida qanday bajarilishi zarur bo'lsa, shunday shart-sharoitda amalga oshirilishi kerak. Boshqacha qilib aytganda, agar musobaqa davomida tezkor harakatlanib vaqtida to'pga ulgurib va uni aniq uzatish foydali natija uchun zarur bo'lsa, demak mashg'ulotda ham shu harakatlarni aynan shunday mashq qilish kerak. Aks holda, agar shu usullar alohida qismlarga bo'lingan holda o'rgatilsa, ularni o'zlashtirish darajasi sekin-asta mukammalashib boradi.

Keyin shu elementlarni qo‘shib to‘liq holda o‘rgatish juda qiyin kechadi. Chunki, bir holatda o‘rgatilgan harakat refleksi (malakasi), boshqa sharoitda o‘rgatilsa natija besamara bo‘ladi.

Voleybol taraqqiyotining har xil davrlarida texnik harakatlarini bajarish usullari, talablari, shakli, mazmuni o’zgaradi va takomillashib boradi. Texnik usullarning o’zgarishiga o’yin qoidalarining o’zgarishi, taktik harakatlarning takomillashuvi, o’yinchilar jismoniy tayyorgarligi darajasining o’sib borishi asosiy sabab bo’ladi. Hujum va himoyadagi o’yin dinamikasining o’sishi, harakatlar potenstialining oshib borishi, hujum va himoyadagi kombinastiyalar arsenalining kengayishi ham texnik usullarni yangilashga yoki qayta qurishga turtki bo’ladi. Shunday bo’lsada, o’yin texnikasida foydalaniladigan usullarning bundan-da samaraliroq imkoniyatlari yo’q deb bo’lmaydi. Malakali sportchilarning funkstional va jismoniy imkoniyatlari o’yin texnikasiga yangi, ilg`or usullarni kiritish va uni ro’yobga chiqarish uchun imkoniyat yaratadi.

Tarixni, ajdodlarimiz merosini bilmay turib bugungi kunga baho berish, kelajak loyihasini chizish va istiqlol binosini qurishga kirishish boshi berk ko’chaga kirib qolish ehtimolidan holi emas. Shuning uchun har bir soxani joylarda vujudga kelishi va rivojlanish tarixini o’rganmay shu soxani bugungi va ertangi istiqbolini ta’minlash mushkul muammodir.

Voleybol jismoniy tarbiya va sport tizimining yirik va mustaqil irmoqlaridan biri hisoblanib, O’zbekiston, uning viloyatlari va tumanlarida o’ziga xos rivojlanish tarixiga ega. Voleybol O’zbekistonda eng ommalashgan sport turlari qatoriga kirsada, respublikamizning barcha mintaqalarida u turli darajada «obro’-e’tibor» qozonib kelgan. Toshkent shahri va Toshkent viloyatida, vodiy shahar va qishloqlarida voleybol boshqa viloyat tumanlaridagiga nisbatan samaraliroq «hurmat»ga sazovor bo’lgan. Bunday vaziyatning sabablari deyarli shu viloyatlar tarixiy-ijtimoiy negizlari bilan bog`liq deb taxmin qilinsada, lekin masala chuqur izlanishni, mavzuga oid tarixiy ma’lumotlarni ilmiy asosda o’rganishni taqazo etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Jismoniy tarbiya va sport to’g`risida”gi qonun. T. : Adolat, 2000, B. 211-223.

2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg`armasi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to’g`risida”gi 29 avgust 2004 yil “3481 Farmoni.

3. I. A. Karimov. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” - T. ,

“Ma’naviyat”, 2008 y.

4. O’zbekiston Respublikasi “Ta’lim to’g`risida”gi Qonun (1997. 29 avgust) “

5. Ayrapetyants L. R. Pulatov A. A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. Toshkent 2011 y.

6. Masharipov F. T. Voleybol mashg`ulotlarini olib borish va boshqarishning pedagogik asoslari. O`quv-uslubiy qo`llanma. Urganch 2012 y.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA BADIIY O‘QISH SAN’ATI KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

Mohigul Rustam qizi Salimova
Shahrisabz Davlat Pedagogika Instituti talabasi
Nilufar Egamberdi qizi Egamberdiyeva
Shahrisabz Davlat Pedagogika Instituti talabasi
Kamola Baxtiyor qizi Ro‘ziyeva
Shahrisabz Davlat Pedagogika Instituti talabasi
https://doi. org/10. 5281/zenodo. 7668661

Annotatsiya: Zamonaviy ta’lim tizimining asosiy negizi – boshlang‘ich ta’lim. O‘quvchilarning har tomonlama ijodiy qobiliyatlarini ro‘yobga chiqarish, yosh avlodni jahon standarti talablariga javob berish darajasiga ko‘tarishda badiiy o‘qishning o‘rni benihoya katta.

Kalit so‘zlar: uzluksiz ta’lim, badiiy o‘qish, ifodali o‘qish, sharhli o‘qish, PIRLS, ijodiy qobiliyat, yosh xususiyatlari, barkamol shaxs.

Annotation: The main basis of the modern educational system is primary education. Readers realization of all-round creative abilities, the world standard of the younger generation the role of artistic reading in raising the level of compliance with the requirements of the state is great.

Keywords: continuing education, artistic reading, expressive reading, review reading, PIRLS, creative abilities, age characteristics, harmonious personality.

Ta’lim tizimi islohatlarining mazmunan boyishi ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, jumladan milliy istiqlol g‘oyalarining hayotimizga chuqur kirib kelishi bilan bog‘liq. milliy istiqlol g‘oyalarini singdirish uchun sinov va tajribadan o‘tgan o‘qitish usullari, metodlari boyitilib, zarurat bo‘lganda yangilanib amliyotga tatbiq qilinmoqda.

Ifodali va badiiy o‘qishning davlat siyosati darajasiga ko‘tarilishdan maqsad uzluksiz ta’lim tizimi vositasida ma’naviy-axloqiy, har tomonlama yetuk, barkamol shaxsni shakllantirishdan iborat. Shaxsning shaxs sifatida shakllanishi esa boshlang‘ich sinfdan boshlanadi.

“O‘zbekiston Respublikasi umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risida”gi Nizomda ta’kidlanganidek: “Boshlang‘ich ta’lim o‘qish, yozish, sanash, o‘quv faoliyatining asosiy malaka va ko‘nikmalari, ijodiy fikrlash, o‘zini-o‘zi nazorat qilish uquvi, nutq

va xulq-atvor madaniyat kabi bir qancha asoslarning egallab olinishini ta’minlashga da’vat etilgan”.

Badiiy o‘qish-adabiy san’atning bir turi bo‘lib, adabiy asar ya’ni nazm, nasr, publitsistika yoki dramatik parchani omma oldida ijro etib, tinglovchilarga asar mohiyatini badiiy ta’sirchan qilib yetkazish. Dastlab badiiy o‘qish og‘zaki ifodali nutq orqali namoyon bo‘lgan. Og‘zaki ifodali nutq azaldan xalqimizning sevimli mashg‘uloti hisoblangan. Ayniqsa, o‘zbek baxshi, ertakchi-yu dostonchilari va qissaxonlari san’atida o‘z aksini topgan. Ular o‘z asarlarini o‘qishda obrazlilikga, mimika va qo‘l harakatlaridan to‘g‘ri foydalanish, mazmunga mos ohang va asar mohiyatini ta’sirchan qilib yetkazib berishga alohida ahamiyat qaratishgan.

Qadimdan Yunoniston, Rim va Fransiyada badihago‘ylik deklamasiyasi ya’ni ifodali o‘qish san’ati keng rivojlangan. Rossiyada badiiy o‘qish ikki turga bo‘lingan:

1) o‘z asarlarini mohirlik bilan ijro etish
2) professional badiiy o‘qish.

O‘zbek badiiy o‘qish san’ati tarixida Qosimqul Do‘stmurodov, Hamrobibi Umarali qizi, Hasan Xudoyberdi o‘g‘li, Husanboy Rasul o‘g‘li kabi o‘zbek ertakchilari va Ergash Jumanbulbul o‘g‘li, Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li, Po‘lkan shoir, Islom shoir kabi xalq shoirlarining xizmatlari katta. Bunda baxshi, ertakchi va dostonchilar ijro etayotgan asarining tiliga, ifodalarning ixcham, sodda, tushunarli bo‘lishiga, ijro vaqtida ovozning bir tondan ikkinchi tonga o‘tishiga e’tibor qaratishgan.

Qaysi davrni olib qaramaylik, badiiy o‘qish san’ati o‘z jozibasi va insonni barkamol qilib shakllantirishdagi ahamiyati hamda inson kamolotidagi o‘rnini saqlab kelmoqda. So’zning naqadar ma’noga egaligi, undagi sehr, ta’sir kuchi hamma jamiyatda ham tan olingan. So’zlarda ifodalanayotgan ma’noni chuqur his qilish, uni anglash va tinglovchiga yetkazib berish hammaga ham nasib qilavermaydi. Ana shu jarayonda insondagi badiiy o‘qish nutqi qay darajada rivojlanganligini anglash mumkin. Shu holatdagina badiiy o‘qishni qanchalik anglaganimiz, o‘zimizga singdirganimiz namoyon bo‘ladi. Badiiy o‘qish so‘zlardagi sehrni anglash va boshqalarga mohirona jonli tasavvur qilish darajasida yetkazib bera olish anchagina mehnat talab qiladigan ijodiy jarayondir.

Badiiy o‘qish shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim tayanchidir. Bugungi taraqqiyot zamonida ta’lim tizimiga pedagogik innovatsion texnalogiyalarning dunyo miqiyosida keng joriy qilinishi tufayli o‘quvchilarning har tomonlama ijodiy qobiliyatlarini ro‘yobga chiqarish, yosh avlodni jahon standarti talablariga javob berish darajasiga ko‘tarishda shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim muhim ahamiyat kasb etadi. Birgina boshlang‘ich sinflarda o‘qish savodxonligini monitoring qilish

bo‘yicha o‘qish va matnni tushunish sifatini xalqaro o‘rganish Progress in International Reading literacy Study ya’ni PIRLS talablarini amalga oshirish uchun nafaqat ta’lim tizimi balki o‘qituvchi va o‘quvchi zimmasiga ham ulkan mas’uliyat yuklaydi.

IEA – ta’lim yutuqlarini baholash xalqaro assotsiatsiya hisoblanadi. Bu assotsiatsiya tomonidan PIRLS dasturi tashkil etilgan. Ushbu dastur asosidagi tadqiqot sinovi har 5 yilda bir marotaba o‘tkazishga mo‘ljallangan bo‘lib, 2021-yildagi tadqiqotda O‘zbekistonning boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ham munosib ishtirok etishdi. PIRLS dasturining vazifasi faqat boshlabg‘ich sinf o‘quvchilarining o‘qish fanidan o‘zlashtirish darajasini baholash emas, balki dasturga jalb qilingan dunyo mamlakatlari bir-biri bilan ta’lim tizimi jihatlari bo‘yicha tajriba almashishdir.

PIRLS talablari bo‘yicha o‘qish sifatini davriy ravishda o‘rganish, monitoring qilishdan ko‘zlangan maqsad turli vaqtlarda olingan natijalarni har xil ta’limiy vositalardan foydalangan holda turli namunalar asosida taqqoslash va kerakli xulosalar chiqarishdir.

O‘zbekiston ta’lim tizimida o‘quvchilarning badiiy nutqini o‘stirishdagi dolzarb masalalari:

- Matnni ifodali o‘qish;
- Tinglab tushunish;
- Tushunib (ongli) o‘qish;
- To‘g‘ri o‘qish;
- Tez o‘qish;
- Sharhli o‘qish;
- Hissiy o‘qish.

Yuqoridagi keltirib o‘tilgan masalalar asosida badiiy o‘qish mohiyatini quyidagicha izohlash mumkin. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida badiiy o‘qishning ahamiyati o‘quvchilarga hissiy ta’sir qilishdir. O‘quvchilar asarning asosiy mazmunini tushunibgina qolmay ushbu asar muallifi his etgan tuyg‘ularni o‘z kechinmalarida aks ettirishlari lozim. Bunda o‘quvchilarning yosh xususiyatlaridan kelib chiqib matnni idrok etish va o‘zlashtirish asoslari ham hisobga olinadi. Bundan ko‘rinib turibdiki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga ham o‘zlarining yosh nuqtai nazari, qiziqishlaridan kelib chiqib mavzular tanlanadi. Masalan, 4-sinf o‘qish kitobiga kiritilgan “Bo‘rining ta’bib bo‘lganligi haqidagi ertak” mavzusini oladigan bo‘lsak, mavzu ham undagi voqealar ham har tomonlama o‘quvchi yoshi va saviyasiga mos tanlangan. O‘qituvchi ertakni o‘qib berish jarayonida badiiy o‘qish

mahoratidan foydalangan holda o‘qib bersa, o‘quvchi ertak mazmunini tushunishga qiynalmaydi, butun diqqatini mavzuga qaratadi, har bir voqea-hodisani tasavvurida jonlantiradi va estetik zavq oladi. Badiiy o‘qishda asar qahramonlarining ruhiy holati, kechinmalari to‘la anglab yetilgandagina ta’sirchanlikka erishish mumkin. O‘qishning oliy bosqichi bo‘lgan badiiy o‘qish vositalari orqali o‘quvchi yangi matn mazmunini o‘zlashtiradi.

Badiiy o‘qish vositalariga quyidagilar kiradi:

- ovoz;
- intonatsiya (ohang);
- urg‘u;
- pauza;
- talaffuz;
- temp;
- mimika;
- imo-ishora.

O‘qituvchi yuqoridagi vositalarga tayanib, o‘quvchilarga mavzu mohiyatini ochib berishi darkor. Badiiy o‘qishni shakllantirishda o‘quvchilar berilgan asarni to‘g‘ri, tez, ongli, ifodali o‘qishga o‘rgatilishi muhim.

Boshlang‘ich sinflarda o‘qitiladigan ko‘pgina she’rlarni tahlil qilib, ifodali o‘qish talab etiladi. Bolalar she’rni o‘qishni yoqtiradilar biroq, ko‘pgina hollarda o‘quvchilar she’rning mazmuniga va unda ufurib turgan his-hayajonga e’tibor berishmaydi. O‘qituvchi o‘quvchilarga topshiriq berar ekan avvalo har bir satr oxirida ritmik pauza qilish va shu satr tugallanganida tinish belgi shart emasligi, ovozni pasaytirmaslik zarurligini uqtiradi.

Badiiy o‘qish savodxonligini takomillashtirish bo‘yicha bir qator ijobiy ishlar amalga oshirilgan. 4-sinf o‘quvchilarini “O‘qish kitobi” darsligi asosida xalqaro PIRLS nazoratiga tayyorlash va boshlang‘ich sinf o‘qituvchilariga ko‘mak sifatida H. Bakiyeva tomonidan “4-sinf o‘qish darslarida adabiy tahlil ko‘nikmalarini shakllantirish” qo‘llanmasi yaratildi. Ammo birgina bu bilan mavjud muammolarga yechim topish qiyin. Hali qilinadigan ishlar talaygina. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari o‘qish metodikasi bo‘yicha aniq dalillangan, ilmiy asoslangan ko‘rsatmalarga muhtoj. Badiiy o‘qish savodxonligini rivojlantirish bo‘yicha o‘qituvchi, o‘quvchi va ota-onalar uchun o‘quv qo‘llanmalari ko‘proq yaratilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi.

O‘qish darslarida o‘quvchilarning badiiy nutqini rivojlantirish uchun reproduktiv metoddan foydalanish yaxshi samara beradi. O‘qituvchi dastlabki darslarda o‘zi asar matnini qismlarga bo‘ladi, yozuvchi yoki shoirning aytmoqchi bo‘lgan muhim fikriga o‘quvchilar diqqatni jalb qiladi. O‘quvchilarga matn mazmunini tushunishga ko‘maklashadi. Bularning barchasi o‘quvchilar uchun bir ko‘rsatma vazifasini o‘taydi. Shundan so‘ng, o‘quvchilar o‘qituvchining ko‘rsatmalari yordamida yuqorida ko‘rsatilgan vazifalarni o‘zlari mustaqil ravishda bajaradilar. Bu metoddan tashqari, “Aqliy hujum”, “Tarmoqlar”, “Guruhlar bilan ishlash” kabi pedagogik texnologiya usullaridan foydalanish ijobiy natijasini ko‘rsatadi. O‘quvchilarning badiiy nutqini o‘stirish uchun esa nafaqat dars davomida balki sinfdan tashqari mashg‘ulotlar (ekskursiya) da ham muntazam ravishda shug‘ullanib borish talab etiladi.

Hozirgi adabiy ta’lim o‘sib kelayotgan yosh avlodni intelektual salohiyatli, madaniyatli, ma’naviyatli barkamol shaxs sifatida tarbiyalashni talab qilmoqda. Badiiy asarlarni o‘qish orqali shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim tizimida o‘quvchilarning badiiy-estetik tafakkurini shakllantirish, o‘zligini anglashga yo‘naltirish, vatanga, ota-onaga muhabbat tuyg‘ularini kamol toptirish mumkin.

O‘quvchini xalqaro baholash darajasini belgilovchi PIRLSga tayyorlashda o‘qish darsi jarayonida darslikda berilgan har bir matn yuzasidan o‘quvchi o‘zi mustaqil matndan kelib chiqib savollar tuzish vazifasi berilsa, har bir bolaning matnni qay darajada o‘zlashtirganligini uning tuzgan savollari orqali bilib olish mumkin. Bu jarayonda o‘quvchining berilgan matn yuzasidan erkin mulohaza yuritishi, har bir voqeaga shaxsiy munosabat bildirishi va ijodiy tafakkuri dars davomida rivojlantirilib boriladi.

Badiiy o‘qishni o‘rgatish jarayonida har bir pedagog avvalo vositalar mohiyatini chuqur anglamog‘i, eng muhimi, badiiy matn o‘qiyotganda ulardan samarali foydalana bilmog‘i zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Xalq ta’lim tizimida talim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 8-dekabrdagi 998-sonli qarori.
2. “O‘zbekiston Respublikasi umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risida”gi Nizomi 2017-yil 15-mart 140-son.
3. H. Bakiyeva “4-sinf o‘qish darslarida adabiy tahlil ko‘nikmalarini shakllantirish” O‘quv-uslubiy qo‘llanma. Toshkent. Nodirabegim 2021.

4. “Xalqaro tadqiqotlarda boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘qish savodxonligini baholash” metodik qo‘llanma. Sharq nashriyoti 2019-yil.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА МЕҲМОННАВОЗЛИК АНЪАНАЛАРИ ЭЛЧИ КЛАВИХО ТАВСИФИДА

Расулбек Назаров
“ADVOCATE TEAM” Адвокатлик фирмаси Адвокат ёрдамчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685058

Annotatsiya: Ушбу мақолада Соҳибқирон Амир Темур салтанатидаги меҳмоннавозлик анъаналари Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалик”лари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Соҳибқирон, Амир Темур, салтанат Клавихо, меҳмоннавозлик, удумлар, анъаналар, маросимлар, элчилар, совғалар, таомлар, “тўққиз товоқ”.

Annotation: The article studies the issues of the tradition of hospitality of Amir Temur, honored by the sovereign to guests led by the Spanish ambassador during a visit to Samarkand, based on the diary of Rui Gonzales de Glavijo.

***Keywords**: Sokhibkiran, Amir Timour, reign, Clavijo, hospitality, conventions, traditons, ceremonys, ambassadors, presents, foods, “Nine meals*

“Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз - авлодларга қолдирган васиятида ғоят муҳим бир фикрга урғу бериб, “ Эл дардига дармон бўлмоқ-эзгу вазифангиздир”, деб таъкидлаши албатта бежиз эмас”
Шавкат Мирзиёев

Жаҳондаги барча халқ ва миллатларда меҳмоннавозлик удумлари ва анъаналари мавжуд бўлиб, улар узоқ асрлар давомида шаклланган ва сайқалланган қадриятлардан саналади. Бу қадрият ва анъаналар кўпгина халқларда бир-бирига жуда ўхшаш ва ўзига хос эканлиги ҳам эътироф этилади. Жумдадан дунёда салоҳиятли саналган ўзбек халқи ҳам ўзининг узоқ асрлик меҳмоннавозлик урф-одат ва анаъналарига эгадир. Халқимизда меҳмоннавозлик анъаналприни қадрият даражасида кўрсатилган дейиш мумкин. Меҳмондорчиликка бориш ва меҳмонларни кутиб олишнинг ўзига хос маълум “темир қонунлари” мавжудки, буларга тарихий манбаларда ва аждодларимиз меросида алоҳида теран баён этилган.

Ислом динида ҳар бир мўмин-мусулмон меҳмонини иззат-икром қилмоғи лозимлиги белгиланган. Қуръони каримда ҳам меҳмоннавозликка катта аҳамият берилиб, “Меҳмонларни ҳурмат қилинглар” деб буюрилган. Муқаддас

ҳадисларда «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин» дейилган. Расулуллоҳ (с. а. в) томонларидан таъкидланганки «Меҳмон учун бир кеча зиёфат ҳар бир мусулмон зиммасида вожибдир» Шунингдек ҳадисда “Меҳмонни эъзозламаган қавм ёвуз қавм” деб уқтирилган. “Халқимизда “ Меҳмон атойи худо”, Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан каби нақллар ҳам мавжуд.

Ўзбек халқида ҳам меҳмоннавозлик урф-одатлари аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналардан саналиб, бола туғилганидан бошлаб, оила, муҳити, мактабнинг бошланғич ва юқори синфларида ва кейинчалик эса бутун ҳаёт давомида унга меҳмоннавозлик фазилатлари сингдириб борилади. Қадимда ўзбекларда ички ва ташқи ҳовлилар мавжуд бўлиб, меҳмонлар ташқи ҳовлида дарвоза ёнида жойлашган махсус меҳмонхонада кутиб олинган. Бунда, 6-7 ёшли ўғил болалар келган меҳмонларни кутиб олишга жалб қилинганки, бу ўзига хос мактаб вазифасини ҳам ўтаган. Болада ёшлик давридан бошлаб меҳмонларни кутиб олиш, улар билан илиқ муносабатда бўлиш, яхши хизмат қилиш ва унда муомала маданиятини шакллантириш кабилар муҳим тарбиявий кўникмага эга бўлган.

Азалдан Туронзамин халқи жуда меҳмондўст бўлиб, меҳмонлар очиқ чеҳра билан кутиб олинган, йўловчини танимаса ҳам унинг ҳожатини чиқариш учун бор имкониятлар ишга солинган. Агар қишлоққа бирон йўловчи келиб тушса, қўшни бир-бирлари билан баҳслашиб, уни меҳмон қилиш учун ўзаро беллашишлари ҳақидаги маълумотлар учрайдики, бу ҳам бўлса бу ерда яшовчи маҳаллий аҳолининг нақадар сахийлиги, қўли очиқлиги ва меҳмондўстлигидан далолат беради.

child. “A regiment by in the road and I watched them pass”. Yonimdagi yo’ldan polk o’tib borardi,men saflar qanday qadam tashlayotganiga qarab turar edim.

The word “Regriment” is translated into Uzbek as “polk”. The meaning of the regimental word refers to a group of soldiers made up of a many. There is no Regiment's foot he cannot walk, people are meant through the regiment. In this sentence, the fourth type of metonymy is used.

There were stragglers going by long after the regiment had passed I who could not keep up with their platoons. In the fall when the rains come the leaves all fell from the chestnut trees and branches were bare and the trunks black with rain.

Kuz kirib, yomg’ir ketidan yomg’ir quyib bergach, kashtanlarning yaproqlari duv to’kilardida, shoxlari qip-yalang’och bo’lib qoldida, daraxtlarning tepalari yomg’irdan qorayib ketti.

Today we can see in English the word “fall” instead of the word “autumn”is used. This translates as falling according to the origin of the word. In autumn, the foliage of the trees falls off. In this, the whole part is expressed. This statement refers to the third type of metonymy.

When you come back bring a phonograph “Bring good opera discs”. “Bring Caruso”. ” Dont bring Caruso. He bellows”. - Qaytib kelayotganizda grammafon obkeling. -Karuzoni opkeling. -Karuzo kerak emas uvillaydi. [38]

In the work , Henry's friend asks him to bring a plate. In doing so, he sucks a plate of Karuzo, not his own Karuzo. That is the plate is named after the person who wrote it. In this sentence, the author's name is used instead of his work. This example belongs to the fourth type of metonymy.

Rinaldi was sitting on the bed with the copy of Hugos English grammar.

Rinaldi Hyugoning ingliz tili grammatikasini qo’lda tutib, kravatda o’tirgan ekan. In this example, the work is used under the name of the writer. Hyugo is the author who wrote the book, and the book is named after him. This statement belongs to the fifth type of metonymy.

We were in the foot-hills on the near side of the river and as a road mounted there were the high mountains off to the north with snow still on the tops.

Biz daryo tomondan tog’ etagi bilan ketmoqda edik, yo’l yuqorilagach, shimol tomonda baland qorli cho’qqilar ko’rindi.

It is here that the path to the mountain is metonymy. The relationship between the thing and it is shown. In this sentence, the third form of metonymy is used.

[38] Ibrohim G`ofurov “Alvido qurol” 96 bet. Toshkent, Yosh gvardiya 1986 y

Each work of art forms a dialectical unity of form and content. The translator, who translated Hemingway's “A Farewell to Arms” from English into Uzbek, paid great attention to the preservation of the original in translation of metonymy, which is one of the most complex types of migration. It is observed that the original on the basis can find an alternative option, give it its meaning and content characteristics or form stored or modified, using more scientific translation methods than transliteration, annotation and artistic translation.

This is creates new translation methods. In the process of translation, attempts to preserve the content of the text, artistic originality and artistic coloritis of the work, and while creative approaches in this regard were observed, the translator made minor flaws, in most cases, could not preserve some artistic image tools, lexical and contextual meanings of national words and phrases, as well as pictorial compactness, musical melodiousness.

And the reason for this is the fact that he adheres to the principle of more scientific and free translation.

A translator translating from an other language, ignoring every small detail, commonality and originality, may undermine the nationality of the work, and the work of art may not correctly convey the individual style and spirit of the author to the reader.

A translator who studied well the traditions, lifestyle, spirit, culture, mentality and language of the English people was able to fully give the content of the original in translation through metonymy.

The translation of Hemingway's “A Farewell to Arms” from English into Uzbek serves as an auxiliary resource for the Uzbek reader to create an idea of the English people's about a certain period (wartime) habit, way of life, spirit, culture, mentality, national character. National realities have been turned by transliteration or equivalent application,which is defined by the fact that the translation language cannot absorb the quality, causing misunderstandings for the reader. This method, which the translator used, is the most correct, which in front of the Uzbek reader views where the event took place,with of which nation, through the translation of Realis and ensures easy the implementation. In it place, the translation laid the groundwork for realies to have a place in their vocabulary by switching to the Uzbek language.

Some metonymic retreats be translation of Hemingway's “A Farewell to Arms” into Uzbek made it possible to preserve not only the meaning and content of the original on the basis of the laws of the English language, but also its artistic style, a

set of symbols and an impressive spirit. In addition, this work was presented to Uzbek readers as a kind of artistic and scientific work.

Literature:

1. Azizov A. “Tilshunoslikka kirish” Toshkent. 1963 y.
2. Boboxonova L,“Ingliz tili stilistikasi” Toshkent. 1995
3. Ibrohim G’ofurov “Alvido Qurol” Toshkent. Yosh gvardiya 1986 y
4. Hemingway E. “A Farewell to Arms”. Charles Scribner’s Sons. 1971.
5. Hudayberganov E “Adabiyotshunoslikka kirish”T. ,”O’AJNBT”, Markazi 2003
6. Salomov G’ “Tarjima san’ati: Maqollar to’plami”. T. 1985
7. Karimov S. “Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari”. 7-41 b
8. Mirtojiyev M. “O’zbek tilida polisimiya”. T: Fan 51-75 betlar.
9. Musayev Q “Tarjima nazariyasi asoslari” Toshkent-2005 14-16-b
10. Qo’ng’irov R. “O’zbek tilining ta’sviriy vositalari”.
Toshkent. “Fan”. 1977 yil
11. Suvonova R, O’zbek tilida metonimiya. Toshkent, 2003 y.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

O‘QISH DARSLARIDA MUSTAQIL ISHLARDAN FOYDALANISH

Zohida Zokirovna Kimsanova
Sadoqat Maxramovna Mo’ydinova
Farg’ona viloyati Oltiariq tumani 19-umumiy o’rta ta’lim maktabi o’qituvchilari
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685141

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinflarda o’qish darslarida o’quvchilarda mustaqil fikrni shakllantirishda o‘qitish metodikasi va ta’lim texnologiyalari, hozirgi zamon innovatsiyalaridan foydlanish, yangi ta’lim texnikalari, o`qitish samaradorligini oshirish bo’yicha fikrlar keltirilgan.

Kalit so’zlar: zamonaviy, innovatsiya, mustaqil ish, boshlang’ich ta’lim, metodika, texnika, o’quvchi.

Annotation: This article presents ideas on teaching methods and educational technologies, using modern innovations,new educational techneques and increasing the effectiveness of teaching in the formation of students independent opinion in reading classes in primary grades.

Keywords: modern, innovation, independent work, primary education, methodology, technique, student.

Boshlang’ich sinflarda o’qish darslarida mustaqil ishlardan foydalanish muhim jarayon bo’lib, uni bajarish jarayonida o’quvchilar fikrlashga va mustaqil faoliyat yurtishga o’rganadilar. O’quvchilarga darslikdagi mavzu tushuntirilib berilgach mustaqil ishga o’tiladi. O’quvchilarni mustaqil ishga tayyorlashda topshiriqning maqsadi aniq va qisqa tushuntiriladi. Mustaqil ish uchun tanlangan mavzu kichik va o’quvchilar yoshiga mos bo’lishi kerak. Mustaqil ish turlari turli xil bo’lishi mumkin.

Bu jarayon 1-sinflarda alifbe darsligi bilan birgalikda berilgan kesma harflardan so’zlar yasashdan boshlanadi. O’quv yilining ikkinchi yarmidan esa matnni o’qib, o’zi gapirib berish va o’qituvchi savollariga javob bo’ladigan o’rinni topib o’qish kabilar kiradi. O’qitilgan matn yuzasidan berilgan savollarga javob berish, matn sarlavhasi nega shunday nomlangani haqidagi savollarga javob berishga o’rganadilar.

O’qish asar mazmunini to’liq aniqlash, bilim olish uchun o’qituvchi topshirig’ini bajarish:

Topshiriq: (Ma’nosi qiyin ko’chma ma’nodagi so’zlarga izoh berish)

O’quvchilarga iborani bir so’z bilan almashtirish yoki ularning ma’nosini boshqa so’z bilan ifodalash mumkinmi?

“Rangin qorlar” (“Olloyor”ertagidagi ko’chma ma’nodagi so’zlar.)

Quloq solish kerak –tinglash kerak.

Bo’yoq pishirib –bo’yoqni tayyorlab.

-Nega? Nima uchun?kabi savollardan ham foydalanish mumkin.

Savollar: Avvallari qorlar qanday rangdalarda bo’lgan?

1. Qaysi fasl eng avval yetib kelgan ekan?
2. Qish nima uchun boshqa fasllardan xafa bo’ldi?
3. Qish qahrini qanday namoyish etadi?
4. Hozirgi hayotimizda bu voqealar ta’sirini tasvirlab bering.

“Rangin qorlar” (“Olloyor”ertagidagi ko’chma ma’nodagi so’zlar.) Quloq solish kerak –tinglash kerak.

Bo’yoq pishirib –bo’yoqni tayyorlab.

Qahrini sochib tashlarkan-jahl qilib qolarkan.


O’qilgan matn rejasini tuzishga tayyorlanish va reja tuzish.

Bunda quyida ish turlaridan foydalanish mumkin:

1. O’qilgan matnga oid rasm chizish;

4-sinf o’qish kitobidagi “sassiqpopishak” va “chang’i” hikoyalari asosida rasm chizamiz.





2. Rasmga mustaqil sarlavha qo’yish;
3. Matnni qismlarga bo’lish va har bir qismga sarlavha qo’yish va hokazo.

O’qituvchi mustaqil ishning bajarishiga ko’ra o’quvchilarni baholaydi va keying bosqichlarga mustaqil ishlarni murakkabroq shaklda tashkil qilishi mumkin.

Dars mashg'ulotlarida o’yin-topshiriqlarni takrorlash yoki mustahkamlash darslarida foydalanilsa ijobiy natija beradi. O'yin-topshiriqning qaysi bir turini

tanlash darsning turiga, sinf o’quvchilarining o’yin-topshiriqlarni bajarishga o’rgatilganlik darajasi, ularning bilim saviyasi, mustaqil ijodiy ishlash imkoniyatlari, o‘rganilganlarni xotirada tez tiklay olishi, ijodkorlikning qay darajada shakllanganiga ham bog’liq bo’lishi kerak Boshlang'ich maktablarda amalga oshirilishi mumkin bo'lgan eng yaxshi o'qitish usullaridan ba'zilari quyidagilardir:

1. Vizualizatsiya Vizual va amaliy ta'lim tajribasi orqali zerikarli ilmiy tushunchalarni hayotga olib kelish, o’quvchilarga ularning hayotda qanday qo'llanilishini tushunishga yordam berish.

2. Hamkorlikda o'qitish O'quvchilarni kichik guruh yoki butun sinfning faoliyatini rag'batlantirish orqali birgalikda ishlashga qodir bo'lgan o'quvchilarni rag'batlantirish.

3. So'rov asosida ko'rsatmalar O’quvchilarni savol berishga va o'z g'oyalarini o'rganishga da'vat qilimoq, ularga muammolarni hal qilish qobiliyatlarini yaxshilashga yordam beradi, shuningdek, ilmiy tushunchalarni yanada chuqurroq tushunishga yordam beradi. Har ikkisi ham muhim hayotiy ko'nikmalar.

4. Farqlash Hech kim ortda qolmasligi uchun o'quvchilarning qobiliyatiga qarab vazifalarni taqsimlash orqali ta'lim jarayonini farqlash va belgilash.

5. Kasbiy rivojlanish Muntazam kasbiy rivojlanish dasturlarida ishtirok etish o’qituvchining dars berish qobiliyatlarini yaxshilashning ajoyib usuli hisoblanadi.

Boshlang‘ich sinflarda interfaol metodlar va ta’limiy o‘yinlardan, zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o‘quvchilarni mustaqil fikrlashlarini yanada o’stiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to’g’risida” 2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli qarori.

2. Karima Qosimova, Safo Matchonov, Xolida G’ulomova, Sharofat Yo’ldosheva, Sharofjon Sariyev “Ona tili o’qitish metodikasi”.

3. “Ziyonet” internet tarmog’i.

4. “Boshlang’ich ta’lim” jurnali 162 bet.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

BOSHLANG‘ICH SINFLARDA BO‘SH O‘ZLASHTIRUVCHI O‘QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODLARI

Gulnora Anvarjonovna G‘opporova
Shaxzoda Sobirovna Mamatova
Farg‘ona viloyati Oltiariq tumani 2 - umumiy o‘rta ta’lim maktabi Boshlang‘ich ta’lim fani o‘qituvchilari
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685159

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang’ich sinf o‘quvchilarini mustaqil o‘qishga o‘rgatish bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilar bilan ishlashning samarali usuli haqida fikr mulohazalar yuritiladi.
Kalit so‘zlar: mustaqil, tasavvur, o‘quvchi, boshlang’ich, ta’lim tarbiya.
Annotation: In this article, there are opinions about the effective way of working with free assimilation students, teaching primary school students to read independently.
Keywords: independent,imagination,student,primary,education.

Bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilarni mustaqil ishlashga o‘rgatish yaxshi samara beradi. Mustaqil faoliyat insonni ziyrak va hozirjavob qiladi. Bu faoliyat kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarida ta’limga uyg‘un holda rivojlanishi kerak. Buning uchun, avvalo, o‘quvchilarni mustaqil faoliyatga ruhan tayyorlash, ularda biror ishni qila olishga va shu ishni sifatli bajarishiga ishonch uyg‘otish lozim. Mustaqil ish turlari, avvalo, o‘qituvchi tomonidan puxta o‘ylangan, ta’lim maqsadiga yo‘naltirilgan va davomiy bo‘lishi kerak. Bunda har bir o‘quvchining imkoniyati hisobga olinishi, yosh xususiyati, qiziqishlari ham e’tibordan chetda qolmasligi kerak. O‘quvchilarni aqliy rivojlantirish shartlaridan biri topshiriqlarni to‘la “eslab qolib” bajarishdir. Bunda bajariladigan ishning maqsadini tushungan(tasavvur qilgan) holda uning rejasini belgilash va ish usulini tanlash, yo‘l qo‘yilgan xatolarni mustaqil topa olish va uni tuzata bilishlariga alohida e’tibor beriladi. O‘quvchilarning topshiriqlarni tez, to‘g‘ri bajarishi uchun qulay usullarni tanlash, yo‘naltiruvchi savollar berib, tayanch so‘zlar tavsiya etish foydalidir.

O‘quvchilarda mustaqil ishlarni sifatli bajarishda qiyinchiliklar paydo bo‘lishi tabiiy. Chunki hali ularning tasavvuri yorqin, so‘z boyligi yetarli emas. Tajribalar shuni ko‘rsatadiki, bolalar o‘qituchi rahbarligida ishlaganda, tezroq mulohaza qiladilar. Bu holga o‘rganib qolmasliklari uchun ko‘proq ularning o‘zini mustaqil

fikrlashga da’vat etish lozim. O‘quvchilar e’tiborini jalb etish maqsadida matndagi voqealarni eslatib: Nega shunday bo‘ldi? Seningcha qanday bo‘lishi kerak edi? kabi savollar berib, uning fikrini ma’qullab, “yana o‘ylasang topasan”, “juda yaxshi”, “juda soz!” kabi rag‘batlantiruvchi so‘zlarni ishlatish foydalidir.

Masalan, “O‘roq va Kombayn” mavzusi yuzasidan: O‘roq nega afsuslanadi? Kombayn unga nima dedi? Kabi savollar berib, har ikkisini solishtirish orqali texnikaning kuch-quvvatiga bolalar e’tibori tortiladi, har bir texnika asbobining hayotimizdagi ahamiyatini baholashga o‘rgatiladi. Dastlabki bajargan mustaqil ishdan bola mamnun bo‘lsa, uning qiziqishlari ortib, yangi-yangi ish turlarini amalga oshirishga kirishadi. Mustaqil ish natijalarini hamisha tekrishish lozim. Tekshirish og‘zaki yoki yozma shaklda bo‘lishi mumkin. Bola yozishidan oldin o‘ylaydi, fikrini og‘zaki jamlaydi, so‘ng uni yozishga kirishadi. O‘z fikrini bayon qilish, yo‘l qo‘yilgan biror savol yoki masala yuzasidan mushohada yuritishga urinadi. Bu jarayon (og‘zaki) nutq asosida paydo bo‘ladi va mustahkamlanadi. Masalan, o‘quvchi o‘z fikrini yozma ifodalashdan ilgari o‘ylaydi. Pichirlab allanimalar haqida o‘zicha gapiradi(pedagogikada bu aktiv faoliyat hisoblanadi). Insho yozishning dastlabki shakllari ana shunday ishlardan boshlanadi. Bola matnni o‘qib, og‘zaki tahlil qiladi, sarlavhalar o‘ylab topib, qanday rasmlar ishlash lozimligini rejalaydi.

O‘quvchilarni mustaqil faoliyatga o‘rgatishda quyidagilarga amal qilish lozim:

– beriladigan har bir topshiriq o‘quvchi imkoniyatlariga mos bo‘lsin va qiziqish uyg‘ota olsin;

– ish osondan qiyinga, soddadan murakkabga qarab yo‘naltirilsin, o‘quvchiga tushunarli bo‘lsin;

– ishni bajarishda bolalarda o‘ziga ishonch hissi uyg‘onsin, ishga kirishishda ular o‘zlarida dadillik sezsin; – mustaqil bajariladigan topshiriqlar yakkama-yakka tarzda amalga oshirilsin(hamma o‘quvchi uchun bir xil topshiriq berish – mustaqil faoliyat emasligini eslatamiz), albatta bunda bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchiga e’tibor berish kerak; – topshiriqlar turini almashtirishga alohida ahamiyat berish kerak; – topshiriqlarni hamma bir vaqtda boshlab, ma’lum vaqtda tugatishi kerakligini eslatib, bo‘sh o‘zlashtiruvchi bolalarni shu talabni bajarishga ko‘niktirish lozim; – ish joyi hamisha qulay, saranjom-sarishta bo‘lishi(parta ustida ortiqcha narsalar bo‘lmasligi) kerak; – topshiriqlar darsning turli bosqichida bajarilishi mumkin; – darslik, didaktik materiallar bilan ishlashda uzviylik bo‘lishi maqsadga muvofiq.

Uyga beriladigan vazifalar ham mustaqil ishning bir turidir. Bolalarga, iloji boricha, sinf sharoitida asosiy bilim va malakalarni singdirish, uyga vazifalar berishda me’yorga amal qilish kerak. Bolalar darsdan(og‘ir, mashaqqatli mehnatdan)

keyin tiniqib dam olsalar, ko‘proq ochiq havoda bo‘lib, harakatli o‘yinlar, sayr bilan vaqt o‘tkazib, tunda osuda uxlab, ertangi kungi darslarga yaxshi kayfiyat bilan kelsalar, darsni o‘zlashtirish yaxshi bo‘ladi. Shuning uchun uy vazifalari oson bo‘lishi, asosan, bolalarni kuzatishga, xulosa chiqarishga undashi lozim. Tan olish kerakki, bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilar bilan ishlash ancha murakkab jarayon. O‘qituvchining pedagogik mahorati, zamonaviy dars o‘tish usullaridan foydalanishi, bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchi bilan yakka tartibda ish olib borishi natijasida uni samarali amalga oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Adizov B. R. Boshlang‘ich ta’limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. Doktrlik dissertatsiyasi. Toshkent,2003. -320 bet

2. Mavlonova P. A. , B. Normurodova. “Tarbiyaviy ishlar metodikasi. –T. ,2007-yil

3. Barkamol avlod - O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. - T. : «Sharq» nashriyot-matba kontseri, 1997-yil

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРГА STEAM ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

Амина Аманова
Бухоро Осиё Халқаро Университети магистранти
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685168

Аннотация: Мақолада республикамизда янги ўқув фани “Табиий фанлар” фанини ўқитиш меъёрий жиҳатдан асосланган, табиий фанларни ўқитишда STEM ёндашув орқали дарсларни ташкил этиш методикаси келтирилган
Калит сўзлар: табиий фанлар, STEM таълими, фан дастури, компетенция
Annotation: The article presents the normative justification of the teaching of the new academic subject "Natural Sciences" in the Republic of Uzbekistan, the methodology of lessons organizing based on the STEM approach to teaching natural sciences.
Keywords: natural sciences, STEM education, science curriculum, competency.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентабрдаги “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги ПФ - 5538 сон Фармонида халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида халқ таълими тизимига илғор хорижий тажрибани, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, шу жумладан таълим беришнинг инновацион усулларини жорий этиш, ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини яратиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳимлиги белгиланган. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 5 сентабрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги № ПҚ-3931 сон қарори билан тасдиқланган “2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”да: умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш ва шу билан бирга STEM (S - science - фан, T – technology - технология, E – engineering - муҳандислик иши, M – mathematics-математика) таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш вазифалари белгиланган.

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида умумий ўрта талим мактабларида таълим сифатини кўтаришда STEM таълимини жорий этиш учун энг аввало амалиётчи ўқитувчилар унинг афзалликлари ҳақида маълумотларни билиши ҳамда уларни амалиётда қўллаш учун малакаларга эга бўлишлари зарур бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021-йил 27-августдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида STEM таълими тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 274-сон буйруғида қуйидагиларни амалга ошириш, яъни умумий ўрта таълим мактаблари учун STEM фани дастурини ишлаб чиқиш, STEM фанларини ўқитиш учун зарур лаборатория жиҳозлари ва ускуналари рўйхатини шакллантириш; ўқитувчиларни STEM таълими бўйича малакасини оширишда халқаро ҳамда маҳаллий эксперт ва педагогларни жалб қилиш, педагогларни қўшимча адабиётлар билан таъминлаш белгиланган.

Мутахассисларни тайёрлаш учун STEM таълимига ўтиш зарурияти дастлаб АҚШда Тадқиқотларнинг Миллий Кенгаши (National Research Council, NRC) ва Миллий Илмий Фонд (National Science Foundation, NSF) лари томонидан тарғиб этилган. АҚШ собиқ президенти Б. Обама АҚШ таълим тизимида ислоҳотларни олиб бориш ва STEM таълимига ўтиш долзарблигини таъкидлаган. 2009 йил 6 июлда АҚШ Конгрессида STEM таълимига ўтиш бўйича координацион ҳаракатларни олиб бориш тўғрисида Қонун қабул қилинган (STEM Education Coordination Act of 2009). Мазкур қонунга кўра Миллий Илмий Технологик Совет (National Science and Technology Council) STEM таълими бўйича федерал 5-йиллик стратегик режа ишлаб чиқади ва ҳар йили Конгресс олдида стратегик режани амалга ошириши юзасидан ҳисобот беради.

Кўплаб илмий тадқиқот ишларида STEM таълимига ўтишнинг муаммолари изоҳланилган. Булар: иқтисодиётдаги рақобатлар ва янги инновацияларнинг етакчилиги; юқори технологияли ишлаб чиқарувчилар томонидан меҳнат бозори ва таълимга бўлган янги талаблар; умумий таълимда табиий-техник билимларнинг заиф берилиши; касбий йўналишнинг заифлиги ва илғор технологияларни ўзлаштириш истагининг сустлиги. Таълимда STEM ёндашув: Асримизнинг бошларида барча жабҳаларга ахборот – коммуникация технологияларини кенг қўллаш бошланган бўлса, бугунги кунда STEM саноат, техника ҳамда таълимга тез кириб бораётган трендларнинг бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда STEM янги ёндашувлари ривожланган давлатларда кенг қўлланилиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда ва STEM

таълими кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. M. Sanders STEM таълимига ўтишнинг муаммолари таҳлили қилиш жараёнида “эндиликда меҳнат бозори инсондаги кучли мушаклар, ўткир кўзлар, мустаҳкам ирода кабилар билан баҳоланмайди” - деб таъкидлайди. Чунки завод ва фабрикаларда бу сифатлар талаб қилинадиган барча ишларни роботлар яъни сунъий интеллект бажармоқда. Эндиликда инсонларга ўз ўрнини жамиятда топишлари учун уларга жамоа билан ишлаш, яратувчанлик, муҳандислик ва бошқа шунга ўхшаш талаблар қўйилмоқда. Унинг ғоясида янги авлодни STEM дастури асосида ўқитиш уларда интелектни ривожлантиришга, топқирлик орқали аниқ масалаларни ечишга ўрганишда ўқувчилар кўпроқ савол бериш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар мазмунига кўра STEM таълимини жорий қилиш ва уни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари таълим сифати ҳамда кадрларни тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таҳлил қилиш асосида таълим мазмунини янгилаш тақоза этади.

Россиялик олимлар Т. В. Волосовец, В. А. Маркова, С. А. Аверин томонидан “Мактабгача ва кичик мактаб ёшдаги болаларга STEM таълими” парциал модул дастури таклиф этилган. Мазкур дастур асосида мактабгача ва кичик мактаб ёшдаги болаларда ўқув-билиш жараёнида интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ҳамда уларни илмий техник фаолиятга йўналтириш масалалари назарда тутилган . Ўқув ва илмий тадқиқот ишлари натижаларига кўра STEM таълимининг асосий хусусияти шундаки, бунда ўқувчилар фанларни самарали ўрганишда ўз ақли ва қўл меҳнатидан фойдаланадилар.

Ўқувчилар дарс давомида кичик тажриба ва амалий ишларни ўтказишади, турли моделлар устида ишлаб ўз ғояларини амалга оширадилар ва маҳсулот яратишади. STEM таълимининг афзаллиги шундаки, фанларни ўқитишда билимлар алоҳида эмас, амалиёт билан ўзаро мутаносиб ҳолда берилади. Ўқувчи ўзида ностандарт муаммоларни ечиш учун тайёр моделлардан ҳамда изланувчилик фаоллигини ривожлантириб янги моделлар устида ишлайди ва бу унинг келгуси ҳаётида жуда қўл келадиган ижодкорлик қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон

Қарорининг 5-иловасида кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ўқув-методик базаси ҳолатини яхшилаш, ўқитиш жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш масаласига этибор қаратилган. Хусусан, табиий фанларни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида 1- 6 синфларда атрофимиздаги олам, табиатшунослик, география, биология, физика фанлари ўрнига табиий фан (SCIENCE) ни ягона фан сифатида тажриба-синов тариқасида ўқитишни босқичма-босқич жорий этиш бир қатор вазифалар белгиланган. Булар: миллий ўқув дастури ва ўқув режага тегишли ўзгартиришлар киритиш; табиий фанлар (SCIENCE) фани учун дарсликларни яратиш; ўқитувчиларнинг ягона фан бўйича билимларини ҳамда услубий кўникмаларини яхшилаш бўйича малакасини ошириш; табиий фан (SCIENCE) фанини босқичма-босқич жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ижросининг таъминланиши асосида бошланғич синфлар ўқувчилари учун “Табиий фанлар” дарслиги ва бошланғич синфлар ўқитувчилари учун методик қўлланма, яъни “Ўқитувчи китоби” яратилди. 2021- 2022 ўқув йилидан бошлаб республикамизда умумий ўрта таълим мактабларида 1-, 2- синфларда “Табиий фанлар” фанини ўқитиш амалга оширилди. Табиий фанларни ўқитиш методикасини яратишда халқаро экспертлар ва мамлакатимиз педагог олимлари, психологлар, методистлар, бошланғич синф ўқитувчилари томонидан бошланғич синфларда ўқув жараёнига STEM таълимини жорий қилишнинг психологик-гигиеник талаблари ҳамда кичик ёшдаги ўқувчиларда илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шартшароитлари ўрганилди. Табиий фанларни ўқитишда фан дастурида киритилган мавзулар қуйидаги асосий контекстларда ифодаланган: - тизимлар (ўсимлик, ҳайвон, одам органлари системаси, Қуёш системасига оид билимлар).

- материя ва энергия (иссиқлик, ёруғлик, товуш); шакл, тартиб ва тузилиш (жонли ва жонсиз табиат, тирик организмлар); - масштаб ва ўлчаш (об-ҳаво, иссиқлик, Ер ва Коинот);

- барқарорлик ва ўзгариш (тирик организмларнинг ривожланиши, об-ҳаво, йил фасллари, яшаш жойи); - шакл ва функция (тирик организмлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг хилма хиллиги, иссиқлик, ёруғлик ва товуш манбалари).

Миллий дастурнинг яратилишида табиий фанларни ўқитишда асосий мақсад ўқувчиларда дунёнинг илмий манзараси ҳақидаги тасавурларни ҳосил қилиш, уларда атроф борликда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларни

билишнинг илмий асосини, бирбирини тўлдирувчи илмий билишнинг назарий асоси ва эмпирик методлар билан таништириш назарда тутилган. Табиий фанлар контекстига кўра, масалан, ўқувчи фанга оид тушунча ва билимлар асосида теварак атрофимизда содир бўлаётган турли экологик, иқтисодий, тиббий соҳалардаги ўзгаришларга ўз муносабатини билдиради. Ўқувчи томонидан эришилган интелектуал кўникмалар эса уларга нисбатан илмий саводхонлик ва амалий компетенциялари шакллантириш масалаларининг қўйилишида ва келгуси ҳалқаро боҳолаш дастурларига тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Ҳаракат қандай юзага келади?” мавзусининг ёритилиши мисолида қараб чиқайлик.

Дарснинг умумий мақсадида: ҳаракатнинг ҳосил бўлишини ўрганиш; атрофдаги ҳаракат турларини фарқлашни ўрганиш; ҳаракатни кузатишга оид тажрибалар ўтказиш кўникмалари шакллантириш масалалари қўйилади. Дарсни ташкил этишда турли таълим ресурслари (дарслик, ўқувчининг машқ дафтари, тақдимотлар, видеоролик) ҳамда инноватцион методлар (муаммоли суҳбат, тадқиқот методи, дидактик ўйин) ни қўлланилади. Дарснинг умумий мақсадидан келиб, чиқиб ўқувчиларнинг эришиши лозим бўлган якуний натижаларни жадвалда келтирамиз.

Дарснинг умумий мақсадида: ҳаракатнинг ҳосил бўлишини ўрганиш; атрофдаги ҳаракат турларини фарқлашни ўрганиш; ҳаракатни кузатишга оид тажрибалар ўтказиш кўникмалари шакллантириш масалалари қўйилади. Дарсни ташкил этишда турли таълим ресурслари (дарслик, ўқувчининг машқ дафтари, тақдимотлар, видеоролик) ҳамда инноватцион методлар (муаммоли суҳбат, тадқиқот методи, дидактик ўйин) ни қўлланилади. Дарснинг умумий мақсадидан келиб, чиқиб ўқувчиларнинг эришиши лозим бўлган якуний натижаларни жадвалда келтирамиз.

Ҳаракат қандай ҳосил бўлади? Ўқитувчи томонидан ўқувчиларда амалий фаолият, яъни жисмларни (тортиб, итариб, уларни юқорига кўтариб ёки уни пастга тушириб) ҳаракатни ҳосил қилиши кузатилади ҳамда уларнинг ўз фикрларини баён қилиши эшитилади. Жавоблар асосида ўқитувчи ўқувчиларни форматив боҳолайди (оғзаки рағбат ёки стикерлардан фойдаланилади).

Бу босқичда ўқитувчининг фаолияти муҳим саналади. Ўқитувчи мавзуни ёритишга оид саволлар тузади ва уларни ўқувчиларга тақдим қилади. Масалан, сиз арғимчоқда учганда қандай ҳаракатларни кузатасиз?

Ўқувчининг саволларга жавоб бериш фаолияти кузатилади ва улардаги ҳаракатга оид тушунча ва билимлар, ҳаракат йўналишларини аниқлаш ва

ўзгартиришини фарқлаш каби билимлар текширилади. Масалан, арғимчоқда учганда дарахтлар, гуллар, уйлар худди ҳаракатлангандай туюлади, аслида улар ҳаракатланмайди. Шунингдек, ўқувчилар дарсликда берилган расмлар асосида атрофида кузатган ҳаракатларни тавсифлайдилар.

Бу босқичда ўқитувчи томонидан дарсда ҳаракатни қандай ўрганамиз? мавзусида ўқувчилар муаммоли суҳбатга олиб кирилади. Бунда ўқитувчи ҳаракатга оид (қоғоздан самолёт ёки парашютни ясаш) видеолавҳасини намойиш қилади. Видеолавҳа асосида саволлар шакллантирилади. Масалан, видеолавҳада нималарни кўрдингиз? Ўқувчилар самолёт ва парашют ясаш усулларини видеолавҳадан тушуниб оладилар ва айтиб берадилар. Ўқувчилар фикри тингланган сўнг амалий иш бажариш режаси эълон қилинади. Ўқувчиларни гуруҳларга ажратилади ва керакли жиҳозлар билан таъминланади. Амалий ишни бажариш давомида ўқувчилар қўл меҳнатидан фойдаланадилар. Ўқувчиларнинг самолёт ва парашют ясаш бўйича ишларни бажариши давомида уларда кичик конструкторликка оид кўникмалар шакллана боради. Ўқувчилар ўзлари ясаган самолёт ва парашют ҳаракатини амалда синаб кўрадилар ҳамда натижалардан завқланишадилар

Эндиликда барча умумтаълим мактабларида 1-6-синфлар учун мўлжалланган ҳамда бир нечта фан: кимё, география, биология ва физика фанларининг бошланғич тушунчаларини ўзида бирлаштирган Табиий фанлар дарслари йўлга қўйилади.

Таълим тизимида шу вақтга қадар Science фани хусусий мактаблар ҳамда Президент мактабларида ўқитиб келинаётган эди. Эндиликда барча умумтаълим мактабларида бир нечта фан: Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, География, Биология ҳамда Физика фанларининг бошланғич тушунчаларини ўзида бирлаштирган Табиий фанлар дарслиги ўқитилади.

Умумий ўрта таълимнинг 1-6-синфлари учун мўлжалланган Science фани бир нечта фанларни бирлаштирган ва STEAM тизими асосида кўплаб ижтимоий, иқтисодий фанлар билан интеграцияни таъминлаган. Ушбу дарсликнинг қуйидаги устуворликлари мавжуд:

- билим ва кўникмаларни спиралсимон усулда оддийдан мураккабга томон ривожлантириб бориш кўзда тутилгани ҳисобига ўқувчиларга оламнинг яхлит, ажралмас, бир бутунлигини англашга ёрдам беради;

- яратилаётган дарсликка ҳар бир бобнинг мавзусидан келиб чиқиб, содда кундалик турмушда учрайдиган қизиқарли мавзулар, тажрибалар киритилди. Энди болалар «Ўқув лойиҳаси» деб номланган амалий машғулотда ўзлари

кичик тажрибалар ўтказиб кўришади. Масалан, 1-синфларга 1 ўқув йили учун 1 та амалий топшириқ, гул экиш ва уни парваришлаш вазифаси берилган. Ўқувчилар ўзлари эккан гулдаги ўзгаришларни йил давомида кузатиб, натижани дафтарларига қайд этиб борадилар, устозлари ва синфдошлари билан ўртоқлашадилар;

- анъанавий ёндашувга асосланган дарсликларда аввал матн, кейин саволлар берилган бўлса, Science дарслигида ўқувчининг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида аввал саволлар берилиб, кейин матн келтирилган. Маълумотларнинг аксарият қисми эса матн эмас, расм ёки иллюстрациялар кўринишида. Бу болаларда ҳар хил манбаларни тушуна олиш, мавзуга ижодий ёндашиш кўникмасини шакллантиради;

дарслик материалларининг аудио ва видео вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, улар илк бор AR тўлдирилган борлиқ тизимига жойлаштирилди. Агар смартфон дарслик муқовасидаги QR кодга тутилса, болалар ўзлари ўрганаётган объектнинг ҳаракатланиб турганини кўришлари, товушини эшитишлари ёки ўша объектнинг бошқа хусусиятлари билан танишишлари мумкин бўлади.

Бугунги кунда STEM таълимда фаол изланиш, кенг тажриба майдонини яратмоқда ва давлатимиз сиёсатида ҳам STEM таълимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда STEM таълими мазмуни қандай бўлиши керак? STEM таълими бўйича педагогик амалиётни қандай ташкил этиш зарур? STEM таълими ривожлантиришда давлат буюртмаси ва таълим муассасаси орасидаги ўзаро ҳамкорлик қандай амалга оширилади? каби саволларнинг ечими мазкур таълимнинг мамлакатимизда кенг ривожланишига имкон беради.

Мазкур тадқиқот ишида қўйилган муаммонинг баъзи жиҳатлари бугун олий таълим муассасаларининг талабаларига, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогларига, педагогика соҳасидаги тадқиқотчиларга инновацион импульс беради.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06. 09. 2018 й. , 06/18/5538/1840-сон, https://lex.uz/docs/3893445

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-3931 сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06. 09. 2018 й. , 07/18/3931/1841- сон , https://lex. uz/docs/3893416.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг “2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора - тадбирлар дастури”. https://t. me /Xalq _ talimi _ xodimlari.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021-йил 27-августдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида STEM таълими тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 274- сон буйруғи. https://t. me/Xalq _ talimi _ xodimlari.

5. http://www. whitehouse. gov/the_press_office/Remarks-by-the-President-at-the-NationalAcademy-of-Sciences-Annaul-Meeting/.

6. Фролов А. В. Роль STEM – образования в «новой экономике» США. Вопросы новой экономике, №4(16) 2010. – С. 80-90.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

ABU RAYHON BERUNIYNING FALSAFIY MEROSIDA IJTIMOIY MUNOSABATLAR, FAN, TA'LIM, TURMUSH TARZI VA IJTIMOIY HAYOT TO'G'RISIDAGI QARASHLARI

Gularam Kamilovna Masharipova
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti professori, falsafa fanlari doktori,
Turon Fanlar akademiyasi akademigi
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685173

Annotatsiya: Maqolada Abu Rayhon Beruniy falsafiy merosida ijtimoiy munosabatlar, ilm-fan, ta'lim, turmush tarzi va ijtimoiy hayotga oid qarashlar manbalar asosida ilmiy tahlil qilingan. Abu Rayhon Beruniyning ma'naviy merosi, asarlarining qadr-qimmati, fikr-mulohazalarining ilmiy ahamiyati shundaki, u Buyuk Ipak Yo'llarida joylashgan Vatanimiz hududida milliy va diniy bag'rikenglik yuksak darajada rivojlangani haqida tarixiy ma'lumotlar beradi.
Kalit so'zlar: jamiyat hayoti, jamoatchilik bilan aloqalar, fan, ta'lim, aholi turmush tarzi, manbalar, falsafiy qarashlar.
Annotation: Based on sources, the article scientifically analyzes the views on social relations, science, education, lifestyle and social life in the philosophical heritage of Abu Rayhan Beruni. The spiritual heritage of Abu Rayhan Beruni, the value of his works, the scientific significance of his opinions lie in the fact that he provides historical information about the high development of national and religious tolerance in the territory of our Motherland, located on the Great Silk Road and in the character of our people.
Keywords: public life, public relations, science, education, lifestyle of the population, sources, philosophical views.

O'z davrining yetuk mutafakkir olimi, buyuk daholaridan biri Abu Rayhon Beruniydir. O'z zamonasining hamma fanlarini, birinchi navbatda, ilohiyot, fizika, ma'danshunoslik, farmognostika, mineralogiya, riyoziyot, falakiyot fanlarini puxta egallagan [2, 76-b.]. Bu fanlar taraqqiyotiga qo'shgan hissasi bilan uning nomi dunyo fanining yuqori pog'onasida muhim o'rin oldi. "Beruniy ilmiy masalalarda ham, tarixiy voqea-hodisalarga, o'z zamondoshlariga baho berishda ham o'ta xolislik va haqqoniylik bilan fikr yuritgan" [1, p. 42].

Beruniy o'zining falsafiy qarashlarida deizmga yaqin bo'lgan pozitsiyada bo'lgan. U xudoning yaratuvchi ekanligini uqtirgan holda, bu ilohiy birinchi turtki

quvvatini saqlab qolish va rivojlantirish huquqinitabiatga beradi. U borliqning qadimiy va abadiy ekanligi hamda uch unsur-olov, havo, tuproqning ham suv unsuridan kelib chiqqanligi haqidagi g‘oyalarni ilgari suradi. Olim o‘zining falsafiy qarashlarida Arastu ko‘plab faylasuflarning «boshqa dunyolar ham mavjud» [3, p. 18], degan fikrlariga bildirgan e’tirozini asossiz ekanini aytib, Demokrit va Epikur singari ko‘p dunyolar haqidagi fikrlar yuritib, “o‘sha dunyolar ham bizniki singari tabiiy xususiyatlarga ega”, deb yozgan. Olim moddiy dunyoning abadiyligi haqida gapirar ekan, vaqt nima bilan o‘lchanadi, degan savolni qo‘yadi va bunga Sayyoralar xarakati bilan, deb javob beradi.

Abu Rayhon Beruniy fikricha, insonning fe’l-atvori va ma’naviy qarashlari, surati va siyrati bevosita tabiiy muhit ta’sirida shakllanadi. Zero, aynan shu tabiiy muhit, geografik sharoit xalqlar, millatlar shakllanishining muhim asosi bo‘la oladi. «Inson o‘z tabiatiga ko‘ra murakkab tanaga egadir. Insonning tanasi bir-biriga qarama-qarshi qismlardan iborat bo‘lib, bu qismlar tobelik kuchi asosida birlashgan» [4, 40-b.]. Beruniy fikricha, «Hamma odamlarda o‘zaro bir-biriga o‘xshash, ayni paytda, farq qilib turadigan jihatlar mavjud. Uzoq zamonlar o‘tishi bilan iboralar ko‘payib, yodda saqlangan va takrorlanish natijasida tarkib topib, tartibga tushgan» [4, 40-43-bb.], deb hisoblaydi.

Har bir inson boshqa odamlar bilan muttasil aloqa qiladi, turli ijtimoiy guruhlar: oila, ishlab chiqarish jamoasi, millatning a’zosi hisoblanadi. U boshqa individlar bilan yaqin aloqa qilib yashaydi. Odamlarning barcha faoliyati mazkur sotsiumga xos bo‘lgan ijtimoiy munosabatlar, chunonchi: siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, axloqiy va boshqa munosabatlar doirasida amalga oshiriladi, insonning mohiyatini tashkil etadigan ijtimoiy munosabatlar majmui o‘zgaradi. Bundan odamlar ayrim fazilatlarining shakllanishi ham, jamiyatning rivojlanishi ham, avvalo, geografik muhitga emas, balki moddiy ishlab chiqarishga bog‘liq bo‘ladi, odamlar ishlab chiqarish faoliyatining tarixan o‘zgaruvchi xususiyatini tahlil qilish chog‘idagina muayyan tabiiy sharoitlar u yoki bu ijtimoiy jarayonlarga qanday ta’sir ko‘rsatishi haqida gapirish mumkin, degan xulosaga kelinadi. Ayni holda, tabiat va jamiyatning o‘zaro aloqasida faol tomon sifatida doim inson amal qiladi. Tabiiy muhit xususiyatini ijtimoiy muhit xususiyati emas, balki aksincha, ijtimoiy muhit xususiyatini tabiiy muhit xususiyati belgilaydi. Shu ma’noda, odamlar tabiat bilan o‘z moddalar almashinuvini tartibga soladilar, uni o‘z umumiy nazorati ostiga oladilar, shu tariqa tabiatning ko‘r-ko‘rona kuchlari ularning ustidan hukmronlik o‘rnatishiga to‘sqinlik qiladilar [5, 252-b.].

Islom dinining O‘rta Osiyoga kirib kelishi, ayniqsa, tasavvufning vujudga kelishi tufayli, qadimgi dunyo mumtoz axloqshunosligi ilgari surgan g‘oyalarni rivojlantirish, u o‘rtaga tashlagan muammolarni hal etish, o‘sha davr va keyingi davrlar uchun dolzarb bo‘lgan muhim nazariy hamda badiiy-axloqiyasarlarni yaratish, asosan, Musulmon sharqi allomalari zimmasiga tushdi.

Bilish doim ijtimoiy munosabatlar va madaniy dunyoning faol ta’siri ostida yuz beradi. Biz faqat o‘zimiz yashayotgan davr shart-sharoitlarida va bu shart-sharoitlar beradigan imkoniyat darajasida bilishimiz mumkin. Bu shart-sharoitlar jamiyatning muhim ehtiyojlari ko‘rinishida ijtimoiy buyurtmani yuzaga keltiradi. Ular sub’ektni shakllantiradi, bilish jarayoniga muayyan darajada ta’sir ko‘rsatadi – uni jadallashtiradi yoki sekinlashtiradi. Ma’lumki, islomda diniy-ma’rifiy, ilmiy-madaniy, ijtimoiy-siyosiy hayot, qonun-qoidalar me’yorlari Qur’oni karim va hadislar bilan tartibga solib boriladi. Hadislarda islom diniga mansub qoida va talablar hamda axloq-odobga doir o‘gitlar, yuksak insoniy fazilatlar bayon etilgan.

O‘rta asrning qomusiy allomalari Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr Forobiy, Mahmud az-Zamaxshariy, Abu Rayhon Beruniylar axloq ilmining nazariy-amaliy sohalarida faoliyat ko‘rsatganlar. Abu Nasr Forobiy falsafani ikki – nazariy vaamaliy falsafaga bo‘ladi, olim axloqshunoslik masalalarini amaliy falsafa tarkibiga kiritadi. Axloqiy muammolar uning «Baxtga erishuv yo‘lini ko‘rsatuvchi kitob», «Baxtga erishuv haqida», «Davlat arbobining hikmatlari», «Fozil odamlar shahri» singari asarlarida ko‘tarilgan. Ularda inson baxti eng asosiy muammo sifatida o‘rtaga tashlangan. Shuningdek, Abu Nasr Forobiy hayot va mamot muammosiga ham batafsil to‘xtalgan. Uning fikricha, inson hayotda go‘zal amallar qilishi uchun etuk xulqli bo‘lishi lozim. Xulqning yaxshiligi, etukligi esa insonning xatti-harakatlarida me’yorgaamal qilingani bilan belgilanadi. Odobni esa mutafakkir badavlatning davlatini bezaydigan va kambag‘alning kambag‘alligini o‘g‘irlaydigan axloqiy hodisa sifatida ta’riflaydi. Zero, axloq ijtimoiy zaruriyat, ehtiyoj, jamiyatning manfaatlarini aks ettiradi hamda qabul qilingan ommaviy namuna, odat, rasm-taomil jamoatchilik fikri bilan mustahkamlangan talablar va baholar tarzida ifodalanadi [6, 41-b.].

Markaziy Osiyo xalqlari ma’naviyati VIII asr oxiri - IX asr boshlaridan yangi kamolot pillapoyalaridan ko‘tarilib, IX-XV asrlar mobaynida yagona islom madaniyati shaklida namoyon bo‘ldi [7, 161-b.]. Bu tarixiy davrda buyuk allomalarimiz Abu Rayhon Beruniy, Amir Temur, Ahmad Farg‘oniy, Muhammad Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur Imom Buxoriy, Mirzo Ulug‘bek kabi buyuk siymolar jahon ilm-fani va madaniyati

ravnaqiga ulkan xissa qo‘shdilar. Abu Rayhon Beruniyning turli mavzulardagi ilmiy izlanishlari muallif tomonidan ilmiy tadqiqot ishlarinda bayon etilgan [19-23].

Beruniyning fikricha, xudo va boshlang‘ich materiyadan bo‘lak hech narsa mavjud emas. Tabiiy savol tug‘iladi, unda vaqt nima bilan o‘lchanadi? Ehtimol, o‘sha vaqtda soniya ko‘p vaqtga teng bo‘lgandir. Beruniyning fikrlash mantig‘i zamonning o‘lchovsizligi, abadiyligi, dunyoning zamondan tashqari holda yaratilgan, degan xulosaga olib keladi. Materiya va shakl munosabati haqida fikr yuritib, shunday deydi «…harakat umumiy xususiyati bilan materiyaga tegishli bo‘ladi va ruhni turli shakllarda kezib yurishiga majbur etadi.

Demak, materiya faoldir va unga tegishli barcha narsalar uning harakatiga yordam beradi». Beruniy materiya konkretlik (muayyanlik)dan iborat bo‘lib, u yoki bu narsada namoyon bo‘ladi. Borliq esa doimo o‘zgarish va taraqqiyotda bo‘ladi. Tabiatning kuchi ana shundan iborat.

Faylasuf tajriba va mantiq haqida fikr yuritib, tajriba va mantiqni bilishning muhim vosita va haqiqat mezoni deb biladi. Uning fikricha, bilishning boshlanishi-sezgilardan, bilish jarayonida sezgilar katta ahamiyatga ega bo‘ladi. Beruniy sezish jarayoni tabiatning ikki qismiga – hayvonot va insonlarga xos ekanligini bayon qiladi, sezish ong bilan bog‘liq bo‘lib, ularni bir-biri bilan bog‘lovchi jihatlareshitish va ko‘rish sezgilaridir. Bilishning yuqori bosqichi bo‘lgan aql xudo tomonidan berilgan, deydi Beruniy. Uning vazifasi dunyoni bilish, oliy maqsadi esa tabiatdagi uyg‘unlikka putur etkazmagan holda undan odamlar manfaati baxt-saodati yo‘lida foydalanishdir.

Abu Rayhon Beruniy ma’naviy merosi, asarlarining qimmati, bildirgan fikr-mulohazalarining ilmiy ahamiyati shundaki, u Buyuk Ipak yo‘lida joylashgan Vatanimiz hududi va xalqimiz xarakterida milliy va diniy bag‘rikenglik yuksak darajada rivoj topganligi xususida tarixiy ma’lumotlar keltiradi [8, 58-b.]. Chunonchi, Beruniy o‘z asarlarida Urganch shahrida bundan ming yillar burun ham yahudiylar mahallalari, xristian cherkovlari, arab, hind, xitoy, slavyan xalqlari uyushib istiqomat qilgan alohida mahallalar mavjudligini aytib o‘tgan. Beruniy ta’kidlashicha, odamlar bir-birlariga yordam berishi, turmushga zarur bo‘lgan narsalarni yaratish, har qanday ofatlardan saqlanish, hamkor, hamdard, hamdast bo‘lish va xavf-xatarsiz yashash uchun jamiyatga uyushganlar. Inson jamoalarining vujudga kelishining asosiy sababi ham ana shu o‘zaro yordam, hamdardlik, hamnafaslikdir. Shu bilan bir qatorda, Beruniy insonparvar mutafakkir sifatida bu holat va tartib keyinchalik turli talonchilik va dushmanliklar natijasida buzilganligini ko‘rsatadi. Masalan, Beruniy «Mineralogiya»da ta’kidlaganidek: «Inson ehtiyojlari

shu darajada xilma-xilki, uning bir o‘zi ularni qondira olmaydi. Ularni qondirish uchun bitta yordamchi ham kifoya qilmaydi. Ehtiyojlar xilma-xil va juda ko‘p. Faqat bir qancha odamlardan tashkil topgan jamoa bilangina ularni qondirish mumkin. Buning uchun esa odamlar shaharlar bunyod qilishga muhtojdirlar» [9, 11-b.]. U fikrlarini «Geodeziya» asarida davom ettiradi: «Va . . . (inson) ehtiyojlarining ko‘pligi va undan o‘zni tiyish (imkoniyati)ning kamligi o‘zini himoya qilish vositalarining kamligi, dushmanlarning ko‘pligi tufayli o‘z hamjinslari bilan jamiyatda uyushishga ega bo‘lganki, bu jamiyatda uning har bir (a’zosi) bir-birlariga o‘zaro yordam munosabatida bo‘ladilar, uning va boshqalarning ham ehtiyojlarini qondiradigan ish bilan mashg‘ul bo‘ladilar» [10, 83-b.]. Ushbu maqolada Abu Rayhon Beruniyning diniy sohadagi qarashlari ilmiy jihatdan tahlil etildi. Bu haqda tadqiqotchilar A. B. Xolidov va B. T. Ermanlar quyidagi fikrni aytadilar: «Dinga Beruniy o‘sha davr qarashlaridan kelib chiqib, keng ma’no beradi va uni ma’naviy hayotning butun majmui, hatto, inson amaliy hayotining ko‘p sohalari deb tushunadi» [11, 47-b.].

Abu Rayhon Beruniy falsafiy qarashlarining yirik tadqiqotchisi «Hindiston» asariga so‘z boshi yozgan A. Irisov fikricha: «O‘z ta’riflari bilan dinni anglashda Beruniyning rasionalistik tendensiyalarini ta’kidlamoqchi bo‘lishgandir. ular tamomila haqlar, agar bunday ma’noda bo‘lsa», [12, 96-b.] degan xulosaga keladi.

Markaziy Osiyoda diniy dunyoqarash bilan qomusiy bilimdonlikni mujassam etgan arboblar ko‘p bo‘lganligi haqidagi fikrlarni nazarda tutsak, yuqoridagi tadqiqotchilarning xulosalari ma’lum darajadaasoslidir. Zero, hamma vaqt jamiyatda yuz beradigan ijtimoiy voqea va munosabatlarning mazmun-mohiyatini ilmiy va tarixiy asosini izlashga intilgan Beruniydek qomusiy olim va mutafakkir o‘sha davrda dinda, shu jumladan, islom dinida ma’naviy hayotning barcha sohalari mujassam ekanligiga ishonch hosil qilgan bo‘lishi mumkin. Beruniyning fikricha, diniy aqidaparastlik va murosasizlik asosida kelib chiquvchi adovat, nizo-janjal va qonli urushlar qattiq qoralangan. U diniy aqida va ko‘rsatmalargaaql tarozisi nuqtai nazaridan yondashishni ta’kidlash bilan birga, boshqa dinlarga, ularning ko‘zlagan maqsad va ma’naviy mohiyatiga xolisona baho berishga da’vat qiladi [13, 188-b.]. Shu munosabat bilan o‘rta asr olimlaridan biri Abul Abbos Eronshahriy [14, 477-b.] haqida faxr bilan quyidagilarni yozadi: «Abul Abbos Eronshahriydan boshqa og‘ishmay va ikkiyuzlamachilik qilmay, to‘g‘ri hikoya qilgan biron kishini bilmayman. CHunki, u kishi o‘z kitobida bironta ham dinga tarafdorlik yoki qarshilik qilmagan. Balki dinlar haqidaasar yozishda o‘zicha bir yo‘l ixtiro qilgan va bunday asar yozmoqchi bo‘lgan boshqa kishilarni ham shu yo‘lni tutishgachaqirgan. U yahud

va nasorolarning dinlarini, Tavrot va Injilning mazmunini yaxshi hikoya qilgan» [14, 27-b.].

Abu Rayhon Beruniy ilk o‘rta asrlarda nestorianlar - nasroniy (xristian) dinidagi mazhabida odat bo‘lib qolgan qoralangan xatti-harakat g‘ayri axloqiylik haqida, umuman, qavmlarning maqtovga sazovor nasroniy dinidagi hayot tarzi haqida shunday yozadi: «Biz Ollohdan do‘st yoki dushman bo‘lishidan qat’i nazar, biron kimsani haqorat qilishdan saqlashni so‘raymiz. Shu jumladan, hayot tarzlari kamtarlik, haqgo‘ylik va barchaga nisbatan mehr-muruvvat hislari bilan yo‘g‘rilgan nasroniylarni ham ehtiromning yuksak namunasi sifatida o‘zga dinga e’tiqod qiluvchilarga nisbatan ekanligini anglash mumkin. Shuningdek, ushbu dinlararo o‘zaro murosasozlik, ma’naviy yuksalish, ishonch g‘oyalarini targ‘ib qiluvchi da’vat ekanligini tushuntirishga harakat qilgan.

Beruniy inson hayotining ma’nosi haqida fikr yuritib, hayotdan maqsad – baxtga erishish bo‘lib, u bilish va ilm olishdadir. Olimning dunyoqarashi, uning borliqqa jamiyatga insonga bo‘lgan falsafiy-axloqiy qarashlari o‘rta asr insonparvarligining yorqin misolidir.

Tabiatga nisbatan bunday munosabat asosan mil. avv. I ming yillikning o‘rtalariga kelib shakllandi va nazariy tafakkur paydo bo‘lishi bilan sezilarli darajada o‘zgardi. Bu tafakkur o‘sha davrda dunyoqarashning alohida tarixiy shakli sifatida vujudga kelgan falsafaning uzviy va tarkibiy qismigaaylandi. Ilk antik faylasuflar, falsafaning bosh vazifasi ular kosmos sifatida tushungan dunyo nimadan iborat, degan savolga javob topish uchun tabiatni o‘rganishga harakat qilganlar.

Ma’lumki, VII-IX asrlarda Yaqin Sharqda Aristotelning deyarli barchaasarlari arab tiliga tarjima qilingan va ularga sharhlar yozilgan, uning ko‘pgina g‘oyalari qabul qilingan. Uyg‘onish davrida Sharqda Aristotelning obro‘si shunchalik baland ediki, muhim tabiiy-ilmiy va falsafiy masalalar ustida so‘z borganida, albatta, Aristotel tilga olinadi. Bu davrga kelib Aristotel asarlari bilan tanishmay, uning g‘oyalarini bilmay turib falsafani o‘rganish va dunyoviy bilimlarga ega bo‘lishni tasavvur etish mumkin emas edi. Sharq aristotelizmi (peripatetizmi) ana shu zaylda shakllana boshladi va rivojlandi. Sharq aristotelizmi” tushunchasining mazmuni shundaki, u Aristotel falsafiy tizimi yoki ta’limotinigina emas, balki naturfalsafa bilan mustahkam bog‘langan rasionalizmni, u orqali esa o‘rta asr rasionalistik falsafasini ifodalaydi. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, «Markaziy Osiyoda yunon falsafiy merosi tarqalishi masalasining aniq javobi topilmagan, aniqlashtirishga muhtoj jihatlari haligacha mavjud. Xususan, qanday qilib antik davr madaniyati avval G‘arbda emas, Sharqda tarqaldi, degan savolga qat’iy vaaniq javob yo‘q. Mana

shunday sharoitlarga ko‘ra, Bag‘dod xalifaligiga kiruvchi mamlakatlar antik madaniyatning vorisiga aylandilar» [15, 44-45-bb.].

Dunyoviy bilimlar rivojlanishi uchun shart-sharoitlar tug‘ilishining ijtimoiy omillarini arablar zulmiga mahkum bo‘lgan xalqlarning islom bilan to‘xtovsiz kurashi, dunyoviy ilmlarning taraqqiyoti uchun imkon bergan hind, O‘rta Osiyo, Eron, ayniqsa, yunon ilmiy fikrining yutuqlarini keng yoyishga olib kelishi bilan izohlash zarur [16, 111-b.]. Shuni alohida ta’kidlash joizki, katta kutubxona va astronomik observatoriyaga ega bo‘lgan o‘ziga xos ilmiy-madaniy markaz yaratishga xalifa Horun ar-Rashid davridayoq urinishgan bo‘lsada [17, 236-b.], biroq mashhur xalifa Ma’munning boshqaruvi paytida «Donishmandlar uyi» («Bayt ul-hikma»)ni qurishi, uning gullab yashnashi (813-832 yillar) undan keyingi davrlarga to‘g‘ri keladi.

Xususan, Beruniy Aristotelning «Osmon va olam» kitobi bo‘yicha bergan savoliga e’tiroz bildirib, Ibn Sino yozgan edi: «Ko‘pchilik faylasuflar fikrlaricha, olovning vujudga kelishi falak harakati bilan emas, balki olov (ning o‘zi) bir javhar (substansiya), o‘zicha bir unsur bo‘lib, yumaloqdir. Boshqa unsurlarga o‘xshash, uning ham tabiiy o‘rni bor. Sening hikoyat qilganing (ya’ni, so‘rayotganing) o‘shal to‘rt unsurlarning yo‘lidan boshqa ikkita yoki uchta deyuvchi kishining yo‘lidan boshqa narsa emas. Masalan, Fales o‘shal unsurni suv dedi. Fo‘qlitis (Geraklit) buni olov dedi, Devjons (Diogen) havo bilan suv o‘rtasidagi bir javhar dedi. Anikisidiris (Anaksimandr) havo dedi» [18, 140-141-bb.]. «Yoki, e soil, bu so‘zni. . . Muhammad ibn Zakariyyo Roziydan oldingmi? Bilmak kerakki, - deb davom ettiradi o‘zining Beruniy savoliga javob-e’tirozini bildirib, Ibn Sino Aristotelning olamning boshi (ibtidosi) yo‘q deganining ma’nosi olamning yaratuvchisi yo‘q degani emas, balki maqsadi – olamning yaratuvchisi ishlash (ya’ni, yaratish)dan bo‘sh emas, deganidir» [18, 139-b.].

Beruniy va Ibn Sino o‘rtasidagi baxs-munozaralar tasodifan paydo bo‘lmagan. Aristotelning deyarli barcha asarlarida, ayniqsa, «Metafizika», «Fizika», «Osmon haqida», «Paydo bo‘lish va yo‘qolish haqida», «Meteorologika» va boshqa asarlarda faqat Sharq mutafakkirlari emas, balki uning vatandoshlarining yozishmalari mavjudligi haqida tarixiy manbalar uchraydi. Ilk uyg‘onish davri tarixiy voqealarga boy va Markaziy Osiyo tarixida muhim davr sifatida izohlanadi.

Xulosa sifatida aytish joizki. bu davrning o‘ziga xosligi, undagi kuchli ijtimoiy-siyosiy va g‘oyaviy jarayonlar, xususan, Xorazm, Samarqand va Buxoro ijtimoiy muhiti, ma’naviy hayoti, ilm-fan rivoji, Xorazm Ma’mun akademiyasining vujudga kelishi O‘rta Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharqning boshqa xalqlari tomonidan asrlar

davomida yaratilgan boy ilmiy-madaniy an’analarni umumlashtirishda va yanada taraqqiy ettirishda o‘z ifodasini topdi. Markaziy Osiyo xalqlarining mashaqqatli mehnati va aql-zakovati tufayli gullab-yashnagan vohalarning vujudga kelishi, ajoyib arxitektura qurilishiga ega bo‘lgan katta shaharlarning bunyod etilishi, hunarmandchilikning taraqqiy etishi, karvon, daryo va dengiz yo‘llari orqali amalga oshirilgan xalqaro savdo aloqalarining kengayishi, SHarq va G‘arb mamlakatlari iqtisodiy, siyosiy va madaniy aloqalarining jonlanishi, ijtimoiy hayotning ko‘p asrlik – qadimgi va ilk o‘rta asrda vujudga kelgan diniy, ijtimoiy-falsafiy an’analari, turli ijtimoiy guruhlar va ular g‘oyalaridagi o‘troqlikkaasoslangan vohalar va ko‘chmanchi dasht aholisiining o‘zaro munosabatlarining jadal rivojlanishi fan va madaniyat shakllanishi va ilmiy tafakkuri rivoji uchun zarur tarixiy zamin bo‘ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I. A. Yuksak ma’naviyat-engilmas kuch. - Toshkent: Ma’naviyat, 2008.
2. Masharipova G. K. Abu Ali ibn Sino ilmiy-falsafiy va ma’naviy merosining jamiyat hayotidagi o‘rni. Monografiya. – Toshkent: Navro’z nashriyoti, 2020.
3. Yoshlarga ajdodlarimizning ilmiy merosi haqida. - Toshkent, 2008.
4. Irisov A. Abu Rayhon Beruniy hikmatlari. -Tashkent: YOsh gvardiya, 1973.
5. Shermuhamedova N. Falsafa. -Tashkent: Universitet, 2014.
6. Falsafa: Qomusiy lug‘at. - Tashkent: Sharq, 2004.
7. Masharipova G. K. Xorazm Ma’mun akademiyasi allomalari tabiiy-ilmiy, ijtimoiy-falsafiy va ma’naviy merosining ijtimoiy tafakkur taraqqiyotiga ta’siri. Monografiya. – Toshkent: Navro’z nashriyoti, 2019.
8. Abu Rayhon Beruniy. Tafhim. - Toshkent, 2005.
9. Abu Rayhan Beruniy. Sobranie svedeniy dlya poznaniya dragotsennostey (Mineralogiya) – Moskva, 1963.
10. Abu Rayxan Beruniy. Opredelenie granits mest dlya utochneniya rasstoyaniya mejdu naselennыmi punktami. Geodeziya T. III. - Tashkent: Fan, 1966.
11. Xolidov A. B, Erman B. T. Predislovie k «Indii» Beruni // Indiya. T. II. - Moskva, 1963.
12. O‘rta Osiyo xalqlari hurfikrligi tarixidan. - Toshkent, 1990.
13. Beruniy Abu Rayhon. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. – Toshkent: Fan, 1968.

14. Beruniy Hindiston II tom. -Toshkent: Fan, 1965.

15. Sharipov A. Beruniyning gumanistik qarashlari // O‘zbekistonda ijtimoiy-axloqiy va gumanistik fikrlar tarixining muhim bosqichlari. - Toshkent: Falsafa va huquq, 2007.

16. Bulatov M. S. Observatoriya Ulugbeka v Samarkande // Istoriko-astronomicheskie issledovaniya. Vып. XVIII. - Moskva: 1986.

17. Abduhalimov B. «Bayt al-hikma» va O‘rta Osiyo olimlarining Bag‘doddagi ilmiy faoliyati (IX-XI asrlarda aniq va tabiiy fanlar). - Toshkent: «Toshkent islom universiteti». - 2004.

18. Aristotelning «Osmon va olam» kitobi bo‘yicha Beruniyning o‘nta savoli va ularga Ibn Sinoning javoblari // O‘zbekistonda ilg‘or ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixidan. - Toshkent: Fan, 1959.

19. Masharipova G. K. O‘rta asrning buyuk kashfiyotlari - xorazmlik matematiklarining ilm-fan taraqqiyotiga qo‘shgan hissalari. Monografiya. - Toshkent: Navro’z nashriyoti, 2021.

20. Masharipova G. K. Xorazm Ma’mun akademiyasi mudarrisi Abu Rayhon Beruniy merosining SHarq va G‘arbda o‘rganilishi // O‘zMU xabarlari. - 2016. - 5/1. - B. 19-23. (09. 00. 00; № 14.)

21. Masharipova G. K. Xorazm Ma’mun akademiyasi mutafakkirlarning falsafiy qarashlari // Ijtimoiy fikr. - 2012. - № 4. - B. 76-79. (09. 00. 00; № 7.)

22. Masharipova G. K. , To‘ychiev B. Aristotel, Beruniy va Ibn Sinoning falsafiy qarashlari // Tamaddun nuri. - 2020. - № 4. - B. 52-56. (09. 00. 00; № 26).

23. Masharipova G. K. Abu Rayhon Beruniy asarlarida ijtimoiy-siyosiy va axloqiy masalalarning yoritilishi // Tamaddun nuri. - 2019. - № 3. - B. 28-30. (09. 00. 00; № 26).

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ: МОҲИЯТИ ВА МАВЖУД СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХИЛМА-ХИЛ ЁНДОШУВЛАР, ФИКРЛАР (ҚАРАШЛАР)

Шахнозахон Яркиновна Ахмаджонова
Андижон вилояти юридик техникуми мутахасислик фани ўқитувчиси
Фарход Эрмакбаевич Турсунов
Андижон давлат педагогика институти информатика ва аниқ фанлар кафедраси ўқитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685187

Аннотация: Ушбу мақолада давлат тушунчаси ва мавжуд сиёсий-ҳуқуқий ёндашувлар берилган. Ҳеч қайси бир ташкилот бажариладиган ишларнинг хилма-хиллиги ёки жамият тақдирига таъсир доираси юзасидан давлат билан тенглаша олмайди.

Калит сўзлар: давлат, жамият, демократия, цивилизация, эволюция, сиёсий партиялар, демократия.

Annotation: This article presents the concept of the state and existing political-legal approaches. No other organization can match the state in terms of the variety of work performed or the range of influence on the fate of society.

Keywords: state, society, democracy, civilization, evolution, political parties, democracy.

Давлат тўғрисидаги, унинг тушунчаси, моҳияти ва жамиятдаги роли (ўрни) тўғрисидаги масалалар (саволлар) давлатшунослик борасидаги узоқ давом этиб келаётган ва баҳсларга сабаб бўлаётган масалалар қаторига киради. Ушбу баҳсларнинг асоси нимада? Булар эса камида 3 та сабаб билан тушунтирилади:

Биринчидан, айтиб ўтилган масалалар тўғридан-тўғри ва бевосита ҳар хил қатлам, жамиятдаги синфлар, сиёсий партиялар ва харакатларнинг манфаатларини ифода этади.

Иккинчидан, ҳеч қайси бир ташкилот бажариладиган ишларнинг хилма-хиллиги ёки жамият тақдирига таъсир доираси юзасидан давлат билан тенглаша олмайди.

Учинчидан, давлат – жуда мураккаб ҳамда икки қарама-қаршиликларга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

Давлатнинг тушунчаси, моҳиятини, кўп томонли қирраларини, хусусиятлари ва белгиларини очиб бериш вазифаси - фавқулодда мураккаб вазифадир.

Бу вазифани фақат давлатни конкрет-тарихий ўрганиш пайтида уни иқтисодиёт билан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти билан боғлаган ҳолда ҳамда фаннинг мавжуд ва янги ютуқларидан фойдаланиб ўрганиш даркор.

Қадимдан олим ва мутафаккирлар давлат нима, деган саволга жавоб топишга уриниб келганлар.

Қадимги римлик оратор, файласуф ва сиёсатчи Марк Тулмит Цицерон бир вақтнинг ўзида (давлат тўғрисида) ҳам савол берган, ҳам шундай жавоб берган: “Ҳа давлат бу нима, агар у умумий ҳуқуқ тартибот бўлмаса”. Цицероннинг бу масала бўйича кўпгина издошлари ва давом эттирувчилари бўлган, улар давлатга ҳуқуқ тартиботнинг ташкилоти, унинг асосий моҳияти ва вазифаси ҳам шунда деб тавсиф берганлар (Г. Кельзен, П. Струве ва б.).

Буржуазия даврида давлат – бу кишиларнинг мажмуи (иттифоқи), улар томонидан эгаллаган худуд ва ҳокимият деган таъриф (аниқлик) кенг тарқалди.

Таниқли давлатшунос Л. Дюги давлатнинг 4 та элементини ажратиб кўрсатади:

- кишилик индивидларининг иттифоқи;
- маълум худудни;
- мустақил (суверен) ҳокимиятни;
- хукуматни.

Г. Ф. Шершеневичнинг ёзишича, "Давлатнинг номи билан – битта ҳокимиятга бўйсунган, маълум худудларда жойлашган кишиларнинг иттифоқи" тушунилади.

Давлатга таъриф беришга К. Маркс ва Ф. Энгельслар ҳам бир неча бор эътибор беришган. Ф. Энгельс давлатга кейинчалик қисқача шундай таъриф берди: "давлат – бир синфнинг иккинчи синф устидан эзиш учун ишлатиладиган машинасидан бошқа нарса эмас".

Бу тушунчага олимлар бошқачароқ ўзгартириш киритиб, шундай ёзади: "давлат – бу бир синфнинг бошқа синф устидан хукмронлигини қўллаб-қувватлаб турувчи машина".

Бу талқинлар фан ва расмий сиёсатда кенг тарқатилган. Лекин бундай таърифлар шундай давлатларга мос келадики, яъни қаерда синфий зиддият ва

сиёсий қарама-қаршиликлар кўп бўлиб, жамиятнинг бўлиниб кетиши хавфи бўлган жойларда (давлатларда).

Бошқача айтганда, бу таъриф диктаторлик давлатларига тўғри келади.

Ҳозирги ўқув дарсликларида давлатга ўзининг махсус аппаратига эга бўлган, яъни ўз зайлини бутун мамлакат миқёсида мажбурий равишда ўтказа оладиган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-худудий суверен ташкилоти деб таъриф берилади. Лекин бу таърифда давлат билан жамият ўртасидаги боғлиқлик ўз ифодасини сустроқ топган.

Шунинг учун ҳам давлатга қуйидагича талқин берилади:

Давлат – бу жамиятнинг бирлиги ва бутунлигини таъминловчи, (жамиятни бошқаришда давлат механизми) қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат берувчи, ҳуқуққа умуммажбурий ахлоқий куч берувчи суверен оммавий ҳокимият ўртасида воситаликни амалга оширувчи сиёсий ташкилотдир.

Юқорида келтирилган таъриф давлат тушунчас[i]ини умумий томонини ифодалайди, лекин бу таъриф замонавий ёки ҳозирги замон давлати учун тўғрироқ келади.

Бунда бироқ эътиборни жалб қиладиган томони, давлат бутун жамият ва унинг барча фуқароларининг сиёсий ташкилотидир дейилганидир. У муҳим ижтимоий ишларни бошқаради, жамиятнинг бир бутунлигини таъминлайди, жамият учун ҳаётий муҳим бўлган функцияларни бажаради.

Шу билан бир вақтда давлат (асосан ҳуқуқий давлат) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга жамиятда мустаҳкам ва инсонпарвар бўлган ҳуқуқ тартиботни қўллаб-қувватлашга чақирилган.

Давлат синфий нуқтаи назардан ёндошиб қуйидагича таъриф ҳам берилади:

Давлат – бир синфнинг бошқа синф устидан, жумладан камчиликнинг кўпчилик устидан хукмронлигини қўллаб-қувватлаб турувчи сиёсий ташкилот бўлиб, у моҳиятан иқтисодий ва сиёсий хукмрон синфнинг диктатурасидир.

Яна умумижтимоий нуқтаи назардан ёндошиш бўлиб, унда:

Давлат – сиёсий ташкилот-ассоциация бўлиб, унинг аъзолари оммавий ҳокимиятнинг тузилиши ва муносабатларига кўра бир бутун бўлиб бирлашадилар, улар ўртасидаги муносабатларни ечимини топишга қаратилган қуролдир.

И. Кантнинг фикрича, давлат кишиларнинг ҳуқуқий қонунларга бўйсундирилган бирлашмасидир, дейилади.

Давлатнинг моҳияти тўғрисида масалага тўхталадиган бўлсак, бу масала – давлат ҳокимияти кимнинг қўлида, кимнинг манфаатларини кўзлаб ва уни ким амалга ошириши ҳақида бўлади, яъни бош ва асосий масала бўлиб давлат ҳокимияти ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бу муаммо ўткир баҳоларга эга бўладиган масала деб қаралади.

Жумладан:

XX асрда тарқалган элит назарияси тарафдорлари халқ оммаси ҳокимиятни амалга оширишга ҳозир эмаслар ёки улар жамият ишларини бошқара олмайдилар, бу эса ўз навбатида давлат ҳокимиятини жамиятнинг тепадаги қатлами (элита)га тегишли эканлигини билдиради деб таъкидлайдилар.

Элит назарияси технократлар назарияси вакиллари ҳам қўллайдилар, уларнинг фикрича хукмдорликни, бошқарувни фақат профессионал бошқарувчилар, менеджерлар амалга ошира олишлари мумкин, дейилади.

Демократик доктрина тарафдорлари эса, ҳокимиятнинг биринчи манбаи ва ташувчиси халқдир, табиатан ва моҳиятан давлат ҳокимияти тубдан халқчил бўлиб, халқнинг манфаатларини кўзлаган холда ва унинг назорати остида амалга оширилиши зарур, дейилади.

Марксистик назария эса таъкидлайдики, сиёсий ҳокимият иқтисодий ҳиҳатдан хукмрон синфга қарашли бўлиб, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Давлат моҳиятини очишдаги синфий ёндашув - жамиятшунослик фанининг катта ютуғидир.

Лекин бу ёндашувдан гап-сўзсиз фойдаланиш, жумладан барча ва ҳар хил давлатларга тавсиф беришда илмий жихатдан жудаям тўғри бўлмаган бўларди.

Давлат фаолияти тавсифига синфий йўналиш тусини бериш бу унинг моҳиятий томони, унинг асосий бошланишидир.

Лекин давлат фаолиятига синфий қарама-қаршиликлар нуқтаи назаридан қаралса, бу диктатура ўрнатилган, жамиятнинг бир қисми устидан иккинчи қисми қаттик эксплуатация ўрнатган давлатларга мос келади.

Ривожланган демократик мамлакатларда – давлат аста-секин ижтимоий қарама-қаршиликларни хал этишда босқинчилик ва зўровонлик йўлларини қўлламасдан, балким муаммоларни ечишда самарали механизм ролини бажаришга ўтмоқда.

Юқорида айтилганлар, замонавий давлат синфийликни бутунлай йўқотади, деган гап эмас, йўқ. У фақат иккинчи ўринга чекланади холос, ва биринчи ўринга умумижтимоий томон кўтарилди.

Бошқача қилиб айтганда, демократик давлатда анча аҳамиятлироқ бўлиб, иккинчи томони, яъни умумижтимоий томони ҳисобланади. Жумладан, давлатнинг моҳиятини анализ қилишда иккала томонини эътиборга олиш талаб қилинади,

Типология – кенг ва жуда хилма-хил белгиларга эга бўлган фавқулодда қийин ва кўпқиррали ҳодисадир. Бу эса унинг ҳар хил тизимлари ҳамда таснифларини яратилишига олиб келди. Кўп асрлик кишилик тарихи бири иккинчисини ўрнини эгаллагани мавжуд бўлиб келмоқда, бугунги кунда ҳам уларнинг сони кам эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг илмий жиҳатдан таснифи муаммоси аҳамият касб этади.

Давлатни тарихий ривожланишини мантиқий нуқтаи назардан ифодаловчи, уларни маълум бир критерияларга асосланиб гуруҳларга бирлаштиришга имконият берувчи тасниф – типология деб аталади.

Марксиситик типологияга асосан ижтимоий-иқтисодий формациянинг 4 та типига ва иқтисодий базисининг 4 та типига давлатнинг 4 та типи мос келади – бу қулдорлик, феодал, буржуазия, социалистик давлатлар бўлиб, улар ўзларининг белгилари мажмуига эгадирлар.

Бир тарихий типнинг иккинчиси томонидан эгалланиши – бу объектив, табиий-тарихий жараен бўлиб, алмашинув революциялар натижасида амалга ошади. Бу жараёнда давлатнинг янги типи олдингисига нисбатан тарихан прогрессивроқ бўлиши зарур.

Формацион ёндашувга асосланган давлатнинг марксистик типологияси, жуда мукаммал (илмий жихатдан) бўлмасдан, унинг схематиклиги ҳамда бир томонлилиги кўзга ташланади.

Ҳақиқатда эса давлатлар эволюцияси кўп вариантли, турлича бўлганлиги маълум. Масалан, қулдорлик типи ҳамма давлатлар учун ҳам шартли равишда мажбурий бўлмаган, уларнинг баъзилари тараққиётида "орқага кетиш" ҳолатлари ва узоқ давом этган ўтиш даври юз берган .

Дунёвий адабиётларда давлатларни таснифлашнинг кўпгина асослари таклиф этилади, жумладан уларни демократик ва нодемократик давлатларга ажратиш тўғрисида фикр юритилади.

Охирги пайтларда давлатларни нисбатан анча кенг таснифлаш қўлланилмоқда, буларга тоталитар, авторитар, либерал ва демократик давлатлар таснифи киради.

1. Тоталитар давлатда барча нарсалар битта ғояга бўйсундирилган, яъни:. давлат - бу ҳамма нарса, инсон - бу хеч ким эмас". Бутун ҳокимият хукмдор элита (қатлам) нинг қўлида бўлиб, бошқалар давлат бошқарувидан четлаштирилган.

2. Авторитар давлатда – ҳақиқий (реал) ҳокимият маълум қатлам (элита) доирасига тегишли бўлиб шахс манфаатлари давлатманфаатларининг қурбони бўлади. Сиёсий доирада эса "рухсат этилганидан ташқари барчаси тақиқланади" принципи харакат қилади.

3. Либерал давлатда эса жамиятнинг ҳаётида барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари расман амалда (ҳаракатда) бўлади, давлат ишларида фуқароларнинг қатнашувига (иштироки) расман йўл қўйилади. "Тақиқланган барча нарсага руҳсат этилади". Бироқ амалдаги давлат тизимини (давлат ва ижтимоий) ўзгартириш борасидаги уринишларга йўл қўйилмайди.

4. Демократик давлатда эса давлат ва жамият ишларида, унинг бошқарувида фуқароларнинг ҳуқуқларини реал таъминлайди, бундай иштирокни амалга ошишига ёрдам беради. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари анча кенг бўлиб, ва уни амалга ошиши таъминланади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан чекланмаган ҳамма нарсаларга руҳсат этилади. Бу ерда давлат жамият ва шахсга хизмат қилади.

Инглиз тарихчиси А. Тойнби жамият ва давлатни таснифлашдаги цивилизацион ёндашувни таклиф этди. Бу ёндашувга биноан, жамият ва ҳаётни нафақат ижтимоий-иқтисодий томонларини, балки унинг диний, психологик, маданий асосларини ҳам эътиборга олиш зарур дейилади.

Унинг фикрича, дунё тарихида 26 та цивилизация санаб ўтилади, жумладан Миср, Хитой, ғарбий, диний (провослав), Араб, Мексика, Эрон, Сурия цивилизациялари ва б.

Цивилизацион ёндашув ҳохирги дунёнинг бирлиги ва бир бутунлиги, умуминсоният қадриятлари устиворлиги ғояларига асосланади. Цивилизациянинг бир бутунлиги ўзаро харакатлар техникасидан, ижтимоий ташкилотликда, дин ва фалсафада кўринади. Бундан шу нарса, яъни тарихий материализм – ижтимоий тараққиётнинг асосий базиси бўлиб ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ролини кўрсатиш жудаям тўғри келмаслиги кўзга ташланади. Бошқача айтадиган бўлсак, цивилизацион

ёндашувни ҳам бутунлай тўғри дейиш қийин, у формацион ёндашувнинг ўрнини эгаллашга қурби етмайди, лекин улар маълум биргаликда таснифлашнинг илмий асосини ташкил этса ажаб эмас.

Давлатларни типлар бўйича таснифлаш масаласи, унинг ҳамма томонларини тўла қамраб ололмайди.

Ўтмишдан маълумки, "ўтиш давлатлари" ҳам кам бўлмаган. Уларнинг баъзилари колониал тизимнинг тарқалиши натижасида пайдо бўлиб, баъзилари давлатларнинг амалдаги (мавжуд) типлари томон ҳаракат қилганлар (кўпчилик ҳолларда буржуазия типига) баъзилари эса (скандинавия давлатлари) ўзларида бир неча типдаги давлатларнинг белгиларини мужассамлаштиришга ҳаракат қилганлар (буржуазия ва социалистик давлатлар белгиларини). Учинчи бир хил давлатларда бўлса, ҳеч биттасида йўқ белгиларнинг пайдо бўлаётгани кўзга ташланади.

Марксистик адабиётларда "ўтиш давлатлари"га деярли эътибор берилмаган. Бу давлатлар вақтинчалик характерга эга бўлган давлатлар деб ҳисобланган, давлат битта тарихий типдан иккинчисига фақат революциялар натижасидагина ўтади, дейилган. Ҳақиқатда эса давлатлар тараққиётининг нисбатан табиий ва перспектив йўли – бу эволюцион йўлдир. Бундан келиб чиқадики, ўтиш давлатларининг мавжуд бўлиши табиийдир ва улар етарлича узоқ амал қилиши мумкин.

Юридик адабиётларда (фанда) асосан давлатларнинг 4 типи тўғрисида тўхталиб ўтилади: қулдорлик, феодал, буржуазия, социалистик типларидир.

Қулдорлик ва феодал типдаги давлатлар фақат Европада амал қилган (З. М. Исламов) бўлиб, қолган дунёда эса – Осиё, Африка, Америкада аҳамиятан бошқа кўринишдаги давлатлар бўлган, бу ўз навбатида давлатлар типига синфий ёндашувдан фарқли шарқий ёндашувни ҳам борлигини билиш имкониятини беради. Ҳақиқатан, уларни бундай ажратиб кўрсатишга асос бўлган. Сабаби қадимги давлатлар (Миср, Бобил, Хиндистон, Хитой ва б.) суғориладиган ерлар зонасида бундан 5 минг йил олдин пайдо бўлишган. Уларнинг пайдо бўлиш сабабларидан биттаси суғориш тизимларининг қурилиши натижасида ишлаб чиқаришнинг бирданига ўсиши бўлади. Ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалигининг бундай характери қабилаларнинг сақланиб қолишини белгилаб беради, чунки битта оила суғориш иншоотларининг қурилишини ва эксплуатациясини бошқара ололмас эди. Шунинг учун ҳам уларда ерга нисбатан хусусий мулкчилик вужудга келмади, ишлаб чиқариш қуролларига нисбатан синфийлик бўлмади.

Давлатнинг пайдо бўлиш жараенида пирамида намуна кўринишидаги жамият юзага келди: тепала – яккаҳоким монарх (подшо, фиравн, шох ва б.) паста унинг яқин кишилари, маслахатчилари (вазирлар). Кейин нисбатан паст поғонадаги амалдорлар, пирамиданинг асосида эса – қишлоқ хўжалик жамоа (қабила) лари. Охиргилари эксплуатациянинг объектлари бўлиб хисобланган.

Қанчалик давлат суғориш иншоатларини қуришда жамоаларнинг коллектив меҳнатини бошқариб турганлиги учун ҳам ерга нисбатан ўзини олий эгалик қилувчи деб ҳисоблади. Натижада жамоа (қабилалар) давлатга боғлиқ бўлиб қолдилар.

Қисқаси, "Осиё ёки шарқий" типдаги давлатнинг иқтисодий асоси бўлиб ерга ва сувга нисбатан мулкчилик бўлиб қолди.

Шарқий давлатлар бир неча функцияларни бажарганлар:

- жамоат ишларини ташкилини (суғориш иншоатларини ташкил этиш ва эксплуатация этиш;
- молиявий-солиқ йиғиш;
- ўз худудининг ҳарбий мудофаси ва бошқаларни босиб олиш;
- қабила (жамоа) ва қулларнинг қаршиликларини бостириш.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши қадимги шарқда "шарқий диспотия" шаклида кўпроқ кўзга ташланиб, ҳеч ким томонидан чекланмаган ҳокимият битта ҳукмдорга –меросхўр монархга тегишли бўлган, у давлатни кучли ҳарбий бюрократик аппарат ёрдами билан бошқарган.

Қулдорлик типидаги давлатлар эрта шарқий давлатлардан анча кейинроқ пайдо бўлди. Улар хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, мулкий қатламларга ва жамиятни синфларга бўлиниши натижасида юзага келди.

Классик характерга эга бўлган давлатлар Грецияда (VIII-VII асрларда б. э. гача) ва Римда (VI аср б. э. гача) ташкил топган.

Қулдорлик давлатларининг иқтисодий баъзиси бўлиб қулдорларнинг нафақат ишлаб чиқариш қуроллари нисбатан ҳукмронлиги, балки уларнинг хизматкорлари, яъни қулларга хусусий мулкчилиги ҳисобланган. Моддий бойликларни яратувчи қуллар ҳуқуқ субъекти статусига эга бўлмаганлар, балки улар нарса, ҳуқуқ ва эксплуатация объекти каби қаралган.

Қулдорлик давлати синфий характерга эга бўлган. Моҳияти жиҳатдан диктатура қуроли бўлиб қулдорлар ҳисобланган. Унинг синфийлик моҳияти қуйидаги функцияларда намоён бўлади:

- қулдорларнинг хусусий мулкини қўриқлаш, ҳамда қуллар ва эркин ҳеч нарсаси йўқларни эксплуатация қилиш учун;
- қуллар ёки эркин – ҳеч нарсаси йўқларнинг қаршиликларини бостириш учун, қўрқитиш учун ва б. ;
- тартиб интизомни қўллаб-қувватлаш мақсадида ғоявий таъсир кўрсатиш учун.

Қулдорлик давлати ҳокимиятининг ташкилий шакли унитар монархия ёки республикадир. Масалан, III асрда Римда – чекланмаган монархия; Африкада – демократик республика (бир демократик республика бўлиб, давлат олий органларига сайловларда ҳамма эркин фуқаролар (аҳоли) иштирок этадилар); Спартада – аристократик республика шакли (давлат олий органига сайловларда йирик ҳарбийлар аристократия вакиллари иштирок этадилар) ва ҳ.

Феодал ишлаб чиқариш муносабатлари асосида олдинги даврда таниқли бўлмаган кўп давлатлар юзага келди. Бу давлатларга – Англия, Франция, Германия ва Россия, Чехия ва Польша, Скандинавия давлатлари, Япония ва б. киради.

Феодал давлатларининг иқтисодий базиси бўлиб, феодалларнинг ерга ва крепостной деҳқонларга нисбатан тўла бўлмаган хусусийлик (мулкчилик) ҳисоблаган. Асосий синфлар бўлиб феодаллар билан крепостной деҳқонлар бўлганлар. Улар билан бирга бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳам бўлиб, уларга шаҳар хунармандлари, савдо билан шуғулланувчилар ва бошқалар кирган.

Феодал давлатларда диктатура қуроли бўлиб, феодаллар билан истиёзли қамламлар (князь, дворян, диндорлар) ҳисобланган.

Феодал давлатларнинг функциялари синфий қарама-қаршиликлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Давлат жамиятнинг талабларидан келиб чиқадиган функцияларни амалга оширган.

Феодал давлатларнинг давлат аппарати ҳарбийлар, полиция отрядлари, жандармлар, разведка органлари, солиқ йиғувчи ва суд органларидан ташкил топган.

Буржуазия типидаги давлатлар энг узоқ яшаган давлатлар бўлиб, улар шароитга қараб мослашишга ва ўзгаришга мойиллиги билан ажралиб туради.

Феодал давлатчилигига нисбатан буржуазия типидаги давлатларнинг ўрнатилиши – ижтимоий прогрессига қўйилган катта қадам бўлди.

Буржуазия давлатларининг иқтисодий базисини ривожланишнинг биринчи этапида ишлаб чиқаришга нисбатан капиталистик хусусий мулкчилик ташкил

этади. Бунда ҳамма фуқаролар қонун олдида бир хил, лекин иқтисодий тенгсизлик сақланади. Узоқ вақт давомида 2 та синфдан, яъни буржуазия ва ишчилардан иборат бўлиб қолди. Буржуазия типидаги давлат ўз тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтади:

- капиталистик давлатни оёққа туриши ва тараққиёти;
- монополистик капитализм даврига (Х1Х аср охири ХХ аср биринчи ярми);
- анча ривожланган давлат типига ўтиш даври (30 й. б. э.).

Социалистик типдаги ғоя ва фикрларни ўз асарларида К. Марк, Ф. Энгельс, В. Ленин ёритдилар. Айтилишича, антиэксплуатацияга асосланган давлат прлетар революцияси натижасида юзага келади ҳамда бу эски буржуазия давлатчилигининг синиши билан боғлиқ бўлади. Бунда давлат ҳокимияти ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнаткаш оммага қарашли бўлади, дейилган. Тахмин қилинишича, помещик ва капиталистларнинг ҳокимиятидан озод бўлган халқ ишлаб чиқаришни национализация қилиш шароитида кутилмаган сакрашлар билан ишлаб чиқаришларини юксак поғонага кўтарди, фан ва техниканинг буюк тараққиётига эришилади, бутун меҳнаткашлар оммаси янги ҳаётнинг фаол қурувчилари бўлиб яшайди ва уларнинг барчасини давлат бошқарувичга жалб қилишади дейилади. Биламизки, бу тахминларнинг кўпчилиги ўйлардан бошқа нарса бўлиб чиқмади.

Фуқаролик тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Одилқориев Ҳ.Т., Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т. Адолат, 2021. –31-76 б.

2. Исломов З.М. , Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т. : Адолат, 2000. –272 б.

3. Одилқориев Х. Т. «Конституция ва фуқаролик жамияти». Т. “Шарқ”. 2002 йил.

4. Саидов А, Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. I-жилд. Давлат назарияси. -Т. : Адолат, 2001. –336 б.

5. Нажимов М. К. , Собуров Н. , «Давлат : асосий тушунча ва атамалар». Т. 2002 йил.

SCIENCE SHINE
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
Volume 1 Issue 1 February 28, 2023

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA JISMONIY RIVOJLANISH, O‘Z-O‘ZIGA XIZMAT VA GIGIENA BO‘YICHA KO‘NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH

Xurshida Anvarjon qizi Satimboyeva
Izzatbek Ilhomjon o‘g‘li Yusupov
University of Economics and Pedagogy, Pedagogika va tillarni o’qitish kafedrasi o’qituvchilari
https://doi.org/10.5281/zenodo.7685307

Annotatsiya: Mazkur maqolada bolalarni maktabgacha ta’limga qo‘yiladigan Davlat talablarida jismoniy tarbiyalash vazifalari, jismoniy rivojlanish, o‘z- o‘ziga xizmat va gigiena bo‘yicha ko‘nikmalarni shakllantirish usullari, Jismoniy tarbiyalash mashqlari haqida so’z boradi

Kalit so’zlar: barkamollik, sog’lik, ta’lim, tarbiya, jismoniy harakat, mashqlar, gimnastika.

Annotation: This article deals with the tasks of physical education, physical development, self-service and hygiene skills formation methods, physical education exercises in the State requirements for preschool education of children.

Keywords: fitness, health, education, upbringing, physical activity, exercises, gymnastics.

Maktabgacha tarbiyani insonparvarlashtirish uni yangilash jarayonining asosi hisoblanadi. Olimlar, amaliyotchi mutahassislarning tobora ko’proq qismi maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalash tizimi shaxsga majmuali, insoniy ta’sir yetkazishi, har bir bolaning muntazam va imkon qadar to’la jismoniy rivojlanish huquqi amalga oshirilishini ta’minlashi kerak, degan xulosaga kelmoqdalar.

Sog‘lom, baquvvat, jismoniy rivojlanib o‘sayotgan bog‘cha bolasi, bu, asosan, o‘z yoshi, qobiliyatiga ko‘ra harakat, malaka va ko‘nikmalari shakllanib kelayotgan, o‘ziga mos turli harakatlarga qiziqqan, axloqiy-irodaviy shaxsning ajobiy hislatlariga ega bo‘lishi lozim.

Maktabgacha jismoniy tarbiya tizimida bolalarni pedagogika va psixologiya asosida har tomonlama shakllanishini, harakat, jismoniy qobiliyatlarining takomillashishini, harakat malakasi, ko‘nikma va bilimlarini kattalarning pedagogik jarayoni ta’siri ostida tarbiyalash va o‘rgatish lozimdir. Maktabgacha bo‘lgan davr bolaning rivojlanishidagi muhim davr hisoblanib, uning salomatligiga, jismoniy

rivojlanishiga va harakat madaniyatiga zamin yaratadi. Shuning uchun ham maktabgacha ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya bo‘yicha ish olib borish keng ma’noda ahamiyatlidir.

Murakkab sport o‘yinlari, rasmiy musobaqalar bog‘cha yoshidagi bolalar bilan o‘tkazilishi tavsiya etilmaydi, chunki bu mashqulotlar davomiy mashq qilishni hamda katta jismoniy yuklama va asablar zo‘riqishini talab qiladi. Lekin sport o‘yinlarining yengil elementlarini hamda ko‘ngilochar mashqlarni, sport turlarining ayrim mashqlarini bog‘cha bolalariga tavsiya etish juda ahamiyatlidir.

Jismoniy mashqlarni tanlab olishda umuman bog‘cha bolalarini emas, balki bog‘cha bolalarining aniq yoshdagi guruhlarini hisobga olmoq zarur. Shuni unutmaslik kerakki, 6—7 yoshli boqcha bolalari ko‘p narsalarni bilishiga qaramasdan, o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarni murakkablashtirib borish faqatgina mashqlarning hajmi hamda me’yorlarini oshirish hisobidan bo‘lib qolmasdan, balki ulardan harakatlarni sifatli bajarish talab qilinishi lozim. Bu yerda bolaning tayyorgarlik darajasini hisobga olmoq zarur: masalan, katta guruhdan maktabga tayyorlov guruhiga o‘tkazilish davrida bola haligacha to‘g‘ri sakrashni o‘zlashtira olmagan yoki o‘rganmagan bo‘lishi mumkin. Shunday bo‘lmoqligi zarurki, ya’ni u hech bo‘lmaganda balandlikka sakrashda oldiniga 20 sm, so‘ng 25—30 sm ga bemalol sakray olishi lozim. Bolaning o‘z vaqtida o‘zlashtira olmaganining sababi shundan iboratki, ushbu turlarga o‘rgatish birgalikda olib borilmagan.

Harakatlarning asosiy turlari (yurish, yugurish, muvozanat, osilish, sakrash, uloqtirish)ni 5—6 yoshli bolalar yetarli darajada o‘zlashtira olmaganligi ularning o‘yin faoliyatida va o‘zlari mustaqil shug‘ullanishida shu harakatlardan juda kam foydalanishidan darak beradi.

Shunday qilib, bolalar bog‘chasiga qatnaydigan 5—6 yoshli bolaning jismoniy o‘sishi to‘liq va har tomonlama rivojlanganligi aniqlangan. Ko‘pgina tajribalar va olib borilgan tadqiqotlar ham shuni ko‘rsatmoqdaki, jismoniy tarbiyaning samaradorligini oshirishning asosiy yo‘li — bu bog‘cha kun tartibi jarayonida nafaqat muntazam o‘tkaziladigan ertalabki gimnastika, harakatli o‘yinlar, balki ulardan tashqari, ochiq xavoda o‘tkaziladigan jismoniy mashg‘ulotlar, imkoniyat darajasida harakat faoliyatini mashg‘ulotlar o‘rtasida tashkil etish, daqiqali jismoniy mashqlarni, turli harakatlarni kunduzgi uyqudan keyin o‘tkazishdir.

Bog‘chalardagi katta guruhlarga kiritilgan kun tartibi¬dagi jismoniy harakatlar bolalarga ijobiy ta’sir etib, ularning jismoniy rivojlanishiga, ish faoliyatiga, bolalar badanining chiniqishiga olib kelib, bularning hammasi bolalarni turli kasalliklardan saqlab qolishga sabab bo‘lgan.

Shunday ekan bizning oldimizga qo'ygan maqsadimiz, maktabgacha yoshdagi bolalarda jismoniy rivojlanish, o'z- o'ziga xizmat va gigiena bo'yicha ko'nikmalarni shakllantirish mazmunini o'rganishdan iborat.

Vazifalarimiz esa quyidagicha:

-Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan Davlat talablarida jismoniy tarbiyalash vazifalarini aniqlash

-Jismoniy rivojlanish, o'z- o'ziga xizmat va gigiena bo'yicha ko'nikmalarni shakllantirish usullarini tizimga solish.

- Jismoniy tarbiyalash mashqlarini o'rganish

- Bolalalarni jismoniy tarbiya mezonlarini ishlab chiqish

Jismoniy daqiqa charchoqning oldini olishda va diqqatni jalb qilishda tavsiya etiladi. 2-3 mashq o'tkaziladi. Harakatli o'yinlar kunda ochiq havoda, saylda o'tkaziladi.

Gimnastika: oddiy yurish, oyoq uchida, tovonda, oyoq kaftlarining ichki va tashqi qirrasida yurish, qo'llar bilan tizzalarga tayanib yurish, kerishib yurish, mushukday yurish, tizzalarni baland ko'tarib yurish, tizzalarni orqaga bukib yurish, yarim cho'qqayib va cho'qqayib yurish, qadamlarni juftlab va almashlab yurish, yurishni sakrashlar bilan navbatlashtirib yurish, to'siqlardan oshib o'tib yurish, arg'amchi ustidan, tayoqcha, to'ldirma to'p ustidan sakrash, skameyka ustida yurish. Gimnastika mashg'ulotlarida qo'llaniladigan yugurish mashqlari, oddiy yugurish, tizzalarni baland ko'tarib yugurish, oyoqlarni oldinga, orqaga bukib, oldinga, tomonlarga siltab yugurish, chalkash qadamlar bilan oldinga, yon tomonga; burilishlar, to'xtashlar bilan buyumlarni uloqtirish va uni ilib olish bilan yugurishlar; qayta saflanib, turli to'siqlarni oshib o'tib, to'siqlar ustida yugurish, yugurish va yurishga navbatlashtirish va hokazo.

Ma'naviy merosimiz asosida bolalarda jismoniy barkamollikni shakllantirish bugungi davr talabidir. Katta guruhning jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil qilish va o'tkazish bolalar organizmining har tomonlama garmonik rivojlanishini ta'minlashi, salomatligini mustaxkamlashi, harakat malakasi va ko'nikmasini shakllantirishi lozim.

Sog'lom bolani tarbiyalashda eng muhim vositalardan biri jismoniy mashqlar, harakatli o'yinlar va sport ko'ngilochar o'yinlari sanaladi. Bolalar bilan jismoniy mashqlarni bajarganda ularning salomatligini kuzatib borish, tashqi ko'rinishiga, kayfiyatiga, charchashi, ishtahasi, uyqusiga e'tibor berish juda muhim.

Maktabga tayyorlov guruhi bolalarining jismoniy tarbiyasi ularni sog'lomlashtirish, hayotiy ta'lim va tarbiya berish yo'nalishini ko'zda tutadi.

Gavdaning hamma muskullari ishtirokida bajariladigan umumrivojlanish mashqlari, qaddi-qomatni rostlaydigan, harakat malakasi va koʻnikamasini hosil qiladigan, jismoniy hislatlarni tarbiyalaydigan mashqlar orqali yuqoridagi fikrlarni amalga oshirish mumkin .

Bola tarbiyasining birinchi yili juda muhim ahamiyatga ega. Bu davrda hayotning poydevori qoʻyiladi, xulq-atvor, sifatlar, ruhiy xususiyatlar shakllanadi. Shaxsning keyingi shakllanishi, tarbiyalanishi, kelajakda rivojlanishi bir-biriga bogʻliq. Bolalarning barkamol rivojlanishiga, jismoniy tarbiyalanishiga birinchi yillarda asos qoʻyiladi. Me'yorida oʻsayotgan bola har doim harakatga intiladi. Uch yoshli bola tetik holatda 6,5 ming harakat qilsa, 7 yoshida 16—18 ming harakat qiladi. Harakatlanish chogʻida yurak-qon tomirlari, nafas va asab tizimlari, modda almashinuvi yaxshilanadi. Kasalliklarga qarshilik koʻrsatish immuniteti oshadi, organizmni muhofaza qilish kuchlari kuchayadi. Harakat orqali bola dunyoni taniydi, uning ruhiy jarayonlari rivojlanadi. Harakat tajribasini yigʻish, kuchli rivojlantirish, koordinatsiyalanish, chidamli boʻlish va boshqa xususiyatlar mehnat harakatlarini egallashda yordam beradi, turli topshiriqlarni aniq bajarishga oʻrgatadi, estetika sezgilari-ni tarbiyalashga koʻmaklashadi.

Jismoniy tarbiya mashgʻulotlari — oʻquv-tarbiya ishining asosiy shakli. Ular haftada ikki marta, kichik va oʻrta guruhlarda 20 — 25 daqiqa va tayyorlov guruhda 30 — 35 daqiqa oʻtkaziladi. Tayyorlov qismida yurish, yugurish, raqs mashqlari va saf mashqlari oʻtkaziladi. Asosiy qismda umumrivojlantiruvchi mashqlar, asosiy mashqlar va harakatli oʻyinlar tavsiya etiladi. Yakuniy qismda qam qarakatli oʻyinlar va ohista yurish oʻtkaziladi. Ertalabki gimnastika bogʻcha kun tartibida muhim sogʻlomlashtirish tadbiri sanaladi. Kunda bajariladigan mashqlar toʻgʻri qomatni shakllantiradi, intizom va jismoniy mashqlarga qiziqishni uygʻunlashtiradi, koʻtarinki ruh bagʻishlaydi. Oʻtish vaqti: kichik guruhda 5-8 daqiqa, oʻrta guruhda 9-11, tayyorlov guruhda 12-15 daqiqa. Mashqlar mazmuni: yurish, yugurish 30 soniya-dan 15 daqiqagacha, umumrivojlantiruvchi mashqlar va sekin yurish yoki kamharakatli oʻyinlar. Bogʻcha sharoitida turli oʻyinlar, musobaqalar, bayramlar oʻtkazish mumkin. Bundan tashqari, hozirgi zamonda har bir bolaning qobiliyatiga qarab shaxmat, shashka, kurash, tennis, gimnastika, badiiy-gimnastika va boshqa sport turlari bilan shugʻullanishga jalb qilish bugungi kunning talabi.

Yurish va yugurishni oʻrgatishning asosiy uslubi yaxlit oʻrgatishdir, ya'ni mashqning qanday bajarilishini koʻrsatish va tushuntirishdan keyin uni yaxlit bajarish taklif qilinadi. Yurish — sogʻlomlashtirish va ta'lim-tarbiyaning qator vazifalarini hal etishda asosiy vosita boʻlib xizmat qiladi. Yurish dinamik harakat boʻlib, bajarish

jarayonida in-son organizmidagi ko‘p mushaklar ishga kirishadi. Bu esa, o‘z navbatida, inson organizmidagi modda almashinuvini, nafas olish va qon aylanish faoliyatini yaxshilashga qulay sharoit yaratadi. Oyoq mushaklarini rivojlantirish va mustahkamlashda yurish samarali vosita hisoblanadi. Bundan tashqari, mushak guruhlarini taranglashishi, bo‘shashishi bilan navbatlanishi, inson jismida qulay sharoit yaratadi, nafas olish va qon aylanish faoliyatini yaxshilaydi. Ayrim hollarda bolalar mashqni bajara olmaganlarida, qismlarga ajratish uslubini qo‘llash, ya’ni mashqni qismlarga bo‘lib bajarish mumkin.

Birinchi navbatda, oyoq kaftlarining to‘g‘ri qo‘yilishiga ahamiyat berish zarur. Oyoq kaftlari yurishda bir oz tashqariga, yugurishda esa to‘g‘ri chiziq bo‘ylab bosiladi. Oyoqlarni yerda, «sudraladigan» qilib ortiqcha zo‘riqtirish ham yaramaydi.

Gavdaning (vertikal va yon tomonlarga) minimal chayqa-lishiga erishish zarur.

Yurishda qo‘llar tirsak bo‘g‘inlaridan ham, elka bo‘g‘inla-ridan ham erkin va keng harakatlanishi kerak.

Yurish yoki yugurishning bir turidan ikkinchi turiga o‘tish, odatda, harakat chog‘ida amalga oshiriladi.

Fiziologik yuklanish yurish va yugurishning tezligini va ularning bajarilish davomiyligini o‘zgartirish orqali boshqariladi.

Yurish mashqlarini o‘tganda, ayniqsa, bolalar guruhlari bilan mashg‘ulot o‘tkazilayotganda asosiy diqqat qomatni to‘g‘ri tutishga qaratilishi zarur.

Tirmashib chiqish mashqlari chaqqonlik va dadillikni oshiradi, shug‘ullanuvchilarda o‘z kuchiga ishonch hosil qildiradi, koordinatsiya qobiliyatini takomillashtiradi.

Tirmashib chiqish aralash osilishda va faqat qo‘llarda osilish holatlarida bajariladi. Qo‘llarda osilib chiqilayotganda ehtiyot bo‘lish zarur, chunki unda asosiy yuklashish qo‘l va yelka kamari muskullariga tushadi. Shuni hisobga olgan holda, mashg‘ulotlarda faqat qo‘llarda osilib chiqish mashqlarini aralash osilishda tirmashib chiqish mashqlari bilan navbatlantirib turish kerak.

Aralash osilish va aralash tayanishda tirmashib chiqish. Gimnastika devoriga tirmashib chiqish mashklari:

a) oyoq va qo‘llarni navbatma-navbat almashtirib, yuqoriga tirmashib chiqish, pastga tushish va yon tomonlarga yurish;

b) shuning o‘zi, lekin ikki qo‘l bilan baravariga ushlab tirmashib chiqish;

v) yuqoriga, pastga va yon tomonlarga sakrash (bu mashq bajarilayotganda ehtiyot bo‘lish zarur);

g) devorga orqa qilib turib, tirmashib chiqish.

Bu guruhdagi mashqlar chaqqonlikni, tezkorlikni, chamalashni rivojlantirishga yordam beradi va oyoq, gavda, ayniqsa, qo‘l va yelka kamari muskullarini rivojlantiradi. Bu mashqlarni bajarganda harakat uyg‘unligi takomillashadi, chunki buyumlarni muayyan masofaga va ma’lum nishonga otish uchun muskullar yuqori darajada sezgir bo‘lishi zarur. Buyumlarni uloqtirish harakat uyg‘unligi bo‘yicha ilib olishga nisbatan bir qancha oson, chunki ilib olish harakatida bir qancha vazifalar bir vaqtda hal qilinishi kerak. Ilib olish vaqtida, uchib kelayotgan buyumning yo‘nalishi, tezligi, hajmi aniqdab olinishi zarurki, shunga ko‘ra ilib olish usuli belgilanadi, ilib olishda buyumning qanchalik zo‘r berish lozimligi belgilanadi.

Pol yoki devordan qaytadigan, sakraydigan rezina yoki futbol to‘plarini ilib oluvchi uning tarangligini ham aniq-lab olishi kerak, chunki uning uchish balandligi shunga bog‘liq bo‘ladi. Bu guruhdagi mashklar bog‘chadagi jismoniy tar-biya mashg‘ulotlarida keng qo‘llaniladi. Uloqtirish va ilib olish uchun buyum sifatida katta va kichik to‘plar, to‘ldirma to‘plar, tayoqcha va hokazolardan foydalaniladi. Uloqtirish va ilib olishning asosiy mashqlari: uzoqlikka uloqtirish, nishonga uloqtirish, yuqoriga otish va ilib olish.

Uzoqqa uloqtirish. Bu guruhdagi mashqpar engil atletika mashg‘ulotlarida qo‘llaniladi. Gimnastika darslarida bu mashqlar maxsus o‘rgatilmaydi va kam qo‘llaniladi.

Nishonga uloqtirish. Zalda uloqgiriladigan buyumlar sifatida kichkina va katta to‘plar hamda nishon sifatida fanerdan yasalgan shitlar yoki devorga chizilgan doiralar, g‘imnastika hal-qalari va hokazolar qo‘llaniladi. Ochiqjoylarda yoki maydonchada nishonga otishga latta to‘plar misol bo‘la oladi.

Irg‘itish va ilib olish. Bu mashqlarga to‘plarni (turli to‘plar) va gimnastika tayoqchasini irg‘itish va ilib olish, ikki va undan ortiq to‘plarni irg‘itish va ilib olishlarni kiritish mumkin. Quyidagilar (shu jumladan, to‘ldirma to‘plarni) irg‘itish va ilib olish mashqlariga misol bo‘la oladi: to‘pni pastdan irg‘itish, bosh orqasidan irg‘itish, ikki qo‘l bilan ko‘krakdan irg‘itish, shuning o‘zini bir qo‘l bilan bajarish, to‘pni yelkadan bir qo‘llab va ikki qo‘llab irg‘itish, yelka orqasidan bir qo‘llab tashlagan to‘pni ikki qo‘llab ilib olish, to‘pni bosh ustida orqada ilib olish, oldinga engashib to‘pni oyoqlar orasidan irg‘itish va uni aylanib ilib olish, to‘pni to‘piqlar bilan qisib olib, yuqoriga irg‘itish va uni ilib olish.

Gimnastika tayoqchasini irg‘itish va ilib olish gorizontal, vertikal va engashgan holatlarda, irg‘itishdan, shuningdek, uni havoda uzunasiga joylashgan qo‘l va ko‘ndalang o‘q atrofida aylanadigan qilib tashlashdan va bir qo‘l yoki ikki qo‘l bilan, har xil ushlash usullari bilan ilib olishdan iboratdir.

Oshirib otish. Bu guruhga xos mashqlardan biri — katta rezina yoki boshqa to‘plarni bir-biriga oshirib otishdir.

Yuqorida bayon qilingan mashqlarda tahriri bir-biriga oshirib otadigan quyidagi mashqlar ham qo‘llaniladi: to‘pni bir qo‘l bilan yonboshdan siltab uloqtirish; oyoqlarni kerib, oldinga engashib turib, to‘pni boshdan oshirib orqaga otish; to‘pni oyoqlar bilan oldinga otish, o‘tirish holatidan orqaga dumalab yotib, gavdani keskin to‘g‘rilab va gavdani ko‘tarib, to‘pni oyoqlar bilan oldinga, yuqoriga uloqtirish.

O‘rgatish uslubi. Uloqtirish va ilib olish mashqlarini o‘rgatishga yaxlit o‘rgatish uslubi va yordamchi mashqlar uslubi qo‘llaniladi. Shug‘ullanuvchilarga o‘ng qo‘l bilan ham, chap qo‘l bilan ham bir xilda uloqtirishga o‘rgatish lozim.

